

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Кўлёзма хуқуқида
УДК 625.855.3

НУРМАТОВ ЭЛМУРОД МИРЗААЛИЕВИЧ
Йўл қурилиш машиналарини юриш қисмини
тадқиқотлаш

5А310601 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси
(йўл қурилиш машиналари)

Магистр

академик даражасини олиш учун қўлёзма диссертацияси

Илмий раҳбар:
т.ф.н. Қ.Иноятов

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	6
I БОБ.	Йўл қурилиш машиналари ва уларни тузилиши хақида умумий маълумотлар.....	12
1.1.	Ер қазиш ва йўл қурилиш машиналари.....	12
1.2.	Тайёрлов ишларида ишлатиладиган машиналар.....	17
1.3.	Бульдозерлар хақида умумий маълумотлар.....	21
1.4.	Автогрейдер ва скреперлар.....	22
1.5.	Экскаваторлар ва юклагичлар.....	31
1.6.	Йўлнинг қурилиш материалларини зичлашга мўлжалланган машиналар.....	40
1.7.	Асфальт ётқизгичлар, вазифаси, умумий тузилиши ва ишли органлари.	43
	1-боб бўйича хulosалар.....	50
II БОБ.	Йўл қурилиш машиналарига қуйилган талаблар ва уларни юриш қисмни тадқиқотлаш.....	51
2.1.	ЙҚМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари	51
2.2.	Фидиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментлар.....	53
2.3.	Фидиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси.....	58
2.4.	Экскаваторнинг статик ҳисоби.....	67
2.5.	Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмida учрайдиган бузилишлар таҳлили.....	74
	2-боб бўйича хulosалар.....	75
III БОБ.	Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисоби.....	76
3.1.	Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини	76

бошқарувчанлиги	ва	турғунлиги	ва	динамик
характеристикаси				
3.2.	Тайёргарчилык ишлари учун мүлжалланган машиналарини			
	юриш	қисмларини	асосий	параметрларини
	танлаш.....			
3.3.	Автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби	ва	асосий	ўлчов
	холатларини аниқлаш.....			
3.4.	Экскаваторлар	ва	юклагичларни	юриш қисмни шаклини
	танлаш	ва	асослаш.....	
	3-боб бўйича хулосалар.....			
	УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР			103
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....			105
	ИЛОВАЛАР			107

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Факултет_____

Магистратура талабаси_____

Кафедра_____

Илмий раҳбар_____

Ўқув йили_____

Мутахассислиги_____

Магистрик диссертация аннотацияси

Мавзунинг долзарбилиги. Бугунги кунда ўзбек йўлсозларини иш фаолияти кун сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, сўнги йилларда автомобил саноатини ривижланиши, автомобил йўлларига бўлган эхтиёжни ортишига сабаб бўлмоқда, масалан 2017 йилнинг 24 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси томонидан "Равон автомобил йўллари-инсон манфаатларининг муҳим омили" тамоили асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Йўл қурилиш машиналарга кўрсатилаётган сервис хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, асосий базадан узоқда ишлаётган йўл қурииш машиналарга сифатли хизмат кўрсатишга эришиш, моддий-техника базасини такомиллаштириш ва параметрларини асослашга доир долзарб илмий-амалий муаммоларни ечиш талаб этилмоқда.

- ЙҚМларини бузилмай ишлаш эҳтимолларини статистик жиҳатдан ўрганиш ва асослаш;
- носоз машиналарга хизмат кўрсатиш вақтининг математик моделлари қийматларини аниқлаш;

Тадқиқот объекти. Йўл қурилиш машиналарини юриш қисмлари ва унда учрайдиган бузилишлар.

Тадқиқот предмети. ЙҚМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари, ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментлар, ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, харакатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси, йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисоби.

Илмий янгилик. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва тургунлиги ва динамик характеристикаси ҳамда таёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш усусларни оптимал режимлари ишлаб чиқилди.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация иши 3 бобдан, 107 бет компьютерда терилган матн, 34 дона расм, 3 дона жадвал, _____ та илова, 22 Фойданилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисобиларини бажаришни янги методларни қўллаш ушбу машиналарни ишлаш муддатларини узайтириш, уларда учраётган камчиликларни оддини олиш ёки камайтириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий масалалар ҳал этилди:

Илмий раҳбар _____

Магистратура талабаси _____

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хўқўқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хўқўқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойdevор бўлди, халқимизнинг муносаб ҳаёт кечириши, фўқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вактда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чўқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони қабул қилинди.

Тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда ўзбек йўлсозларини иш фаолияти кун сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, сўнги йилларда автомобил саноатини ривижланиши, автомобил йўлларига бўлган эҳтиёжни ортишига сабаб бўлмоқда, масалан 2017 йилнинг 24 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси томонидан "Равон автомобил йўллари-инсон манфаатларининг муҳим омили" тамоили асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хозирги кунга келиб республикамиздаги жами автомобиль йўллар тармоғи 184 минг км узунликда бўлиб, ундан 42695 километри-умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариридир (2755 км узунликдаги "Ўзбек миллий автомагистрали" ҳам шу таркибга киради). Бундан ташқари, шаҳар кўчалари (7126 км), туман марказлари кўчалари (12529 км), қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари (64839 км), ички хўжалик йўллари (32066 км) ҳамда корхона ва ташкилотларнинг идоравий йўллари (24745 км) ҳам мавжуд.

2007 йил октябрда қабул қилинган "Автомобил йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан Автомобил йўллари давлат қўмитасининг асосий фаолияти маҳсус ваколатли орган сифатида - умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Автомобил йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитасини ташкил этилди.

Автомобил йўлларини бошқариш бўйича маҳсус ваколатларга эга бўлган давлат органи сифатида Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб - автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатни олиб бориш, автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш, автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш, автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Фармонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-курилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш назарда тутилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 мартағи қарорига биноан бевосита ҳукуматга бўйсунувчи ҳамда Республикадаги йўл қурилишини назорат қилувчи ваколатли

давлат органи ҳам ташкил этилди. Фармонга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилди.

Минтақавий автомобил йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, ахолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва худудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида 2017 йилнинг 14 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2018 йилларда минтақавий автомобил йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Дастурда 2017-2018 йилларда 5454 километр, жумладан, 2017 йилда – 2700 километр, 2018 йилда – 2754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобил йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш, бу ишларни бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминлаш, ички йўл ва кўчаларни босқичма-босқич хатловдан ўtkазиш ҳамда уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маолумотлар базасини яратиш вазифалари кўзда тутилган.

Жумладан, икки йил давомида Қорақалпогистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича – 324 километр, Бухоро вилояти бўйича – 439 километр, Жиззах вилояти бўйича – 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 километр, Навоий вилояти бўйича – 216 километр, Наманган вилояти бўйича – 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича – 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича – 267 километр, Тошкент вилояти бўйича – 516 километр, Фарғона вилояти бўйича – 520 километр, Хоразм вилояти бўйича – 321 километр ва

Тошкент шаҳри бўйича – 332 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан биргалиқда тасдиқланган манзилли дастурлар асосида ушбу вазифалар бажарилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан то шунга қадар - Қорақалпогистон Республикаси бўйича 103,6 км, Андижон вилоятида – 128,3 км, Бухоро вилоятида – 94,3 км, Жиззах вилоятида – 77,3 км, Қашқадарё вилоятида – 81,4 км, Навоий вилоятида – 77,4 км, Наманган вилоятида – 70,6 км, Самарқанд вилоятида – 99,5 км, Сурхондарё вилоятида – 85,8 км, Сирдарё вилоятида – 87,7 км, Тошкент вилоятида – 97,6 км, Фарғона вилоятида – 152,6 км, Хоразм вилоятида – 73,6 км ва Тошкент шаҳрида – 25,9 км, Республика бўйича эса жами 1255,6 км ички йўллар ва кўчалар таъмирланди. Ушбу таъмирлаш ишлари бугунги кунда ҳам жадал суръатларда давом этмоқда.

Кўмита ва унинг таркибидаги корхона ва ташкилотлар томонидан, юқорида қайд этилганлардан ташқари, умумий фойдаланувдаги, халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятда бўлган автомобил йўлларидағи йўл қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттириб келинмоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг ўтган 1-чораги давомида Инвестиция дастури бўйича 59,7 млрд. сўмлик реконструкция ишлари, капитал таъмирлаш дастури бўйича 9,4 млрд. сўмлик, жорий таомирлаш ва сақлаш ишлари бўйича эса 195,3 млрд. сўмлик миқдоридаги бажарилди. 710 километрдан ортиқ умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари ҳолати яхшиланди.

«Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чўқур тасаввур этамиз. Айни вактда «Эртага ким бўлишимиз. Қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим». Бу борадаги чора-тадбирлар биринчи Президентимиз И.Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат

қилиш-энг олий саодатдир» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. [1]

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳўқўқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳўқўқ ва эркинликларини, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фўқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2724 сонли қарорини қабул қилиниши автотранспорт тизимини яхшилаш борасида бир қатор устивор йўналишларни белгилаб берди.

Юқоридагилардан келиб чикиб, мазкур тадқиқотда қуйидаги илмий масалалар ҳал этилди:

- йўл қурилиш машиналари ва уларни тузилишини тадқиқотлаш;
- ЙҚМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичларини аниқлаш;
- ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментларини аниқлаш;
- ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси аниқлаш;
- йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва турғунлиги ва динамик характеристикаси;
- таёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш;

- автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби ва асосий ўлчов ҳолатларини аниклаш;
- экскаваторларни юриш қисмни шаклини танлаш ҳамда асослаш.

Тадқиқотнинг мақсади. Йўл қурилиш машиналарини юриш қисмини тадқиқотлаш.

Тадқиқот объекти. Йўл қурилиш машиналарини юриш қисмлари ва унда учрайдиган бузилишлар.

Тадқиқот предмети. ЙҚМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари, ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментлар, ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, харакатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси, йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисоби.

Амалий аҳамияти. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисобиларини бажаришни янги методларни қўллаш ушбу машиналарни ишлаш муддатларини узайтириш, уларда учраётган камчиликларни олдини олиш ёки камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий янгилиги. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва тургунлиги ва динамик характеристикаси ҳамда таёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш усусларни оптимал режимлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот апробацияси. 2016 йили Фаргона Политехника институтини илмий-техника журналини маҳсус сонида ва 2017 йили 24-25 май кунларидаги Наманган муҳандислик-технология институтида “Замонавий ишлаб чиқариш шароитида техника ва технологияларни такомиллаштириш ва уларнинг иқтисодий самараадарлигини ошириш” илмий – амалий анжуманларда мақола ва тезизлар эълон қилинган.

1-БОБ. ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТУЗИЛИШИ

ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Ер қазиши ва йўл қурилиш машиналари.

Ер қазиши ишлари қурилиш ишларида кенг тарқалган ва сермехнат кўринишдан ҳисобланади. Бу ишлар тез-тез бир неча ой ўзоққа чўзилади ва қурилиш объектнинг тайёргарлигининг умумий муддатини аниқлайди.

Ер қазиши машиналари ривожланишининг машаққатли ва ўзун йўлини босиб ўтдилар. Берилган кўринишдаги биринчи машиналардан бири двигатели 15 от кучига эга бўлган кўп ковшли землечерпалка бўлган. У 1836 йилда АҚШда биринчи бор ковш (чўмич)ли бугли экскаватор курилди.

Ер қазиши машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш 1935-40 йилларда бошланди ва 50-йилларда давом этган. Гидротехник, йўл ва саноат қурилишлари жуда катта хажмдаги ер ишлари билан фарқланади.

Асосий ер қазиши машиналарининг иш жараёнига кўра, бир қатор гурӯхларга ажратиш мумкин:

Ўзининг двигателининг энергияси ҳисобига ер қазиши машиналари тупроқни массивдан ажратадилар. Бунда тупроқ бир жойдан иккинчи жойга олинаётганда, уларнинг орасидаги масофа машинанинг конструктив элементлари ўлчамлари билан аниқланади. Ер қазиши машиналари гурӯхига турли хил типдаги экскаваторлар киради.

Ер қазиши-транспорт машиналари тортиш кучи ҳаракати орқали, ундан ташқари факат ҳаракат қилаётган вақтда тупроқка (ерга) ишлов берадиган машиналардир. Бу гурӯх машиналарига булдозер, скреперлар, грейдерлар, грейдер-элеваторлар киради. Тупроқни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ўзоқлиги, коида бўйича техник-иқтисодий фахмлашлар орқали аниқланади.



1-расм. Caterpillar D6R серия III гусеницали бульдозери



2-расм. Caterpillar 631G маркали ўзи юрар скрепер



3-расм. Caterpillar 120M маркали Автогрейдер

Юк күтариш машиналари. Буларга авваламбор ўзига ер қазиш машиналари ва ер қазиш-транспорт машиналари хусусиятларини қамраб олган фронтал юк ортиш машиналари киради, улар тупроқни турған жойда ҳам ёки ҳаракат қилаётган вақтда қазиб кетиши мумкин.

Тупроқка гидравлик ишлов берувчи массивдан ажратиб олувчи ва сув (гидромоторлар, землесослар) энергияси ёрдамчи билан транспортировка қилувчи машиналар.

Ер текислайдиган машиналар турли хил катоклар, транбовкалар қилувчи ва вибратор машиналар.



4-расм. Caterpillar 345B маркали Экскаватор

Ёрдамчи машиналар – Асосий машиналарнинг ишини таъминлаб туради, уларнинг устига бир неча гурухларга бўлиниб кетади. Уларга асосий машина жиҳозлари, (илдиз суғирадиган машиналар, бута (поя) қирқадиган машиналар, тош тозалайдиган ва хоказо машиналар) киради.

Тупроқка ишлов беришни тайёрлаш учун машиналар – ерни юмшатадиган машиналар, бурғилаш машиналари.

Сув камайтириш ва уни қайтариш учун машина ва жиҳозлар.

Ҳамма машиналарнинг иш жараёни ўзлуксиз ёки сиклик давом этиши мумкин. Биринчи холда машиналар (масалан, экскаватор ўзлуксиз ҳаракатдаги машиналар, гидромеханизатсия воситалари ва бошқа) белгилаб қўйилган режимда ишлайдилар. Иккинчисида – иш оператсиялари ўзлуксиз алмасиб туради – қазиш (ковлаш), тупроқни бир жойдан кўчирилиши, салт юриш (бир чўмичли экскаватор, булдозер, скрепер, автогрейдер).

Хар бир машина 5та элементдан ташкил топган ва бу элементларнинг кўшилмаси билан машина конструксиясининг бутунлигини аниқлади. Бу элементларга: иш жиҳозлари, кучли ускуна (двигател), базали ва юрадиган жиҳози (рама), узатмалар механизмлари (трансмиссия), бошқариш системалари киради. Тупроқ ишлари учун мўлжалланган машиналари махсус ва универсал бўлади.

Кўп ковшли занжирли ва роторли экскаваторлар, грейфер ва автогрейдерлар. Ерни қазиш усулига қараб бу машиналар ерни қатламлаб қазиш машиналари деб аталади. Ерни қазиш анча ўзоқ масофага ташлайдиганларни эса ер қазиш транспорт машиналари дейилади.

Машиналар тўзилиши вазифаси бўйича қазиш, бўзиш текислаш, ажратиш ва бошқа шу каби иш жараёнларига энг мувофик тарзда жавоб берадиган бўлиши керак. Машинага қўйиладиган талаблар даражаси ва уларни сифат жихатидан баҳоси фан-техника тараккиётiga боғлик. Машина яратишда ва уни янгилашда конструктив, технологик, фойдаланиш талабларига, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий талабларга риоя килиниши керакки, уларни бажарилиши машинанинг юқори сифатли бўлишини (иш унумдорлиги, ишончлилиги, ўзоқка чидаши эргономика ва бошқалар) таъминланиши зарур.

Конструктив талаблар – шундан иборатки, машина муайян иш шароитларида маълум вазифаларни бажара олиши, хозирги стандартларнинг кўрсаткичларига жавоб бериши, республикамиизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган машиналарнинг энг яхши намуналари қаторида туриши, унумли ишлаши, мустахкам бўлиши ва ишончли ишлаши керак.

Технологик талаблар – деталлар, йиғиш бирликлари ва умуман машинани таёrlаш оддий, қулай ва арzonга тушишини кўзда тутади. Машинанинг тўзилиши уни тайрлашда ва йиғишда илғор технологиядан фойдаланиш имкониятини бериш керак.

Фойдаланиш талаблари - шундан иборатки, машинадан фойдаланиш жараёнида унга техникавий хизмат кўrsatiшда ва йиғиш бирликлари,

агрегатлар ҳамда деталларни алмаштиришда қийинчиликлар бўлмаслиги кўзда тутилади.

Иктисодий талаблар – машинанинг нархини ва ундан фойдаланишда кетадиган харажатларни иложи борича камайтириш. Машина режаланган иқтисодий самарани беришни, уни яратишга ва жорий этишга кетган харажатларнинг тез копланишини таъминлаши керак.

Ижтимоий талаблар – хавфсиз ишлашни ва хизмат курсатаётган ходимларнинг қулай ишлашини таъминлаш, ишловчиларни титрашдан, чангдан шовкиндан, хароратдан ва бошқа зарарли таъсирлардан химоя қилиш, бошқариш ва назорат ўлчов асбобларининг қулай жойлаштирилиши, атрофни яхши кузатишни ва кам чарчашибни таъминлаш.

Йўл, қурилиш, ер қазиш машиналари бажарадиган ишнинг тури вазифаси, иш жараёнининг характеристики ва технологияси иш тартиби, юритмасининг тури қуввати (иш унумдорлиги), юриш қисми, универсаллиги, бошқариш системасининг турига қараб тавсифланади.

Вазифасига кўра - ташиш ва юклаш тушириш юк кўтариш машиналари, ер қазиш машиналари, устункозик, қотиш машиналари тош материалларини тайорлаш, ташиш ва ёткизиш машиналари, пардозлаш машиналари, дастаки машиналар ва х.к.

Ишлаш тартиби - бўйича даврий (сиклик) ишлайдиган ва ўзлуксиз ишлайдиган машиналар бўлади.

Куч жиҳозлари бўйича – ички ёнув двигателидан ҳаракатга келтириладиган электрик гидравлик ва пневматик двигателлардан ҳаракатга келадиган машиналар бўлади.

Кўзгалувчанлик бўйича – статсионар (муким), кўтариб юриладиган ва кўчма машиналарга бўлинади.

Универсаллиги бўйича – кўп мақсадларга мўлжалланган универсал машиналар ва ихтисослаштирилган машиналар бўлади.

Юриш қисмининг - турига қараб гусеницали, пневматик, релсда ҳаракатланувчи ва одимловчи бўлади.

Йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларининг асосий техникавий иқтисидий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- иш унумдорлиги, маневрчанлиги, қўзгалувчанлиги, устиворлигидир.

Фойдаланишдаги иш унумдорлиги асосий иш параметри ҳисобланади, шу кўрсаткич бўйича қурилишдаги ўзаро боғланган сермехнат жараёнларни комплеқс механизатсиялаштириш учун машиналар комплекти танлаб олинади.

Иқтисодий самардорлик қурилишда янги машиналарни ишлатишдан келадиган фойдадан иборат, у солишириб қурилаётган намуна машиналар ва қабул қилинган, вариантларга нисбатан ишлаб чикарилган махсулотлар бирлиги учун келтирилган сарфлар айирмасига teng бўлади.

1.2. Тайёрлов ишларида ишлатиладиган машиналар


Бута қирқиши машиналари. майдонлардаги бута ва чакалакларни қирқиши-тозалашда ишлатилади. Киш вақтида улардан қор курашда фойдаланиш мумкин.

Отвал (ишчи орган) учбурчак шаклидаги (планда) рамадан иборат. Устига лист пўлатлар билан копланган бурчаклардан тўзилган пайванд каркас ўрнатилган. Қопламали каркас отвал сиртини ҳосил қиласди. Машина ҳаракат килган вақтда киркилган шох-шаббалар бу сирт бўйлаб чекка томонга сурилади. Отвалнинг орқа қисмига иккита чанг ўрнатилган, ҳаракат қилаётган вақтида отвал улар орқали ерга таянади. Отвал учига кундаларни ёриш ва ағдарилган дараҳтларни четга суриб қўйиш учун тумшўқ лист ва пичоқларнинг олд қисмини синишдан сақлаш учун отбойник пайвандланган.

Раманинг кўндаланг балкасига уя пайвандланган, бу уя ёрдамида отвал иккита копқоқ билан итариш расмининг шарсимон каллагига махкамланади.

Бута қирқиши машиналарининг пичоқлари 65Г пўлатдан тайёрланган, кесувчи кирраси чархланган булиб, отвалга яширин каллакли болtlар билан махкамланади. Ишлаш жараёнида ўтмас бўлиб қолган пичоқларни чархлаш учун, бута қирқиши машинасининг хар бири шлифовка қилиш каллагига эга. Шлифовкалаш каллагининг чархлаш тоши двигатель олдига ўрнатилган,

тирсакли валга утказилган шкивдан эгилувчан вал ва понасимон тасма орқали ҳаракат олади.



Пичоқли бута қиравчи трактор схемаси.

5-расм. 1-универсал рама; 2-гидролицилиндр; 3-отвал; 4-пичоқ; 5-варап-қолун; 6-химоя каркаси.

Бута қирқиш машинаси олдинга қараб юргазилганида унинг горизонтал пичоқлари бута ва чакалакларни қиркиб кетади. Бу иш жуда эҳтиётқорликни ва амалий жихатдан яхши қуникмага эга бўлишни талаб қиласди, чунки айрим дараҳт ва кундаларнинг қаршилиги бу машина ва тракторни белгиланган йуналишдан четга чиқариб юбориши мумкин.

Юмшоқ чиринди грунтларда ўсаётган буталарни қирқишида пичоқлар 3 – 5 см чўқурликда юргизилади. Қумли ва шағалли-қумли грунтларда пичоқларни грунтга киритиш ярамайди, чунки улар тезда ўтмас булиб колади. Бундай холда буталарни тескари томонга, яъни олдинги ўтишда буталарнинг эгилиб кетган томонига қарама-қарши йуналишда юриб қирқиш маъқул.

Бута қирқиш машинасининг отвали тракторни юргизиш механизмидаги олдинги катакларда, айниқса, катта юкланиш ҳосил қиласди. Отвали қўтарилилган вазиятда трактор ҳаракат қилганида унинг олдинги катоклари жуда қизиб кетади ва тез едирилади. Шунинг учун бу машинани 2-3 км масофага хайдаш керак бўлса, отвал пичоқларининг остига қалинлиги 10-15 см ли ёғоч сим билан боғланади ва трактор отвални қўтармасдан трактор кетинга қараб ҳаракатланади (судраб тортилади).

Ер юмшатиши машиналари билан III, IV, V группа грунтлар юмшатилади. Натижада бу юмшаган ерни скрепер, бульдозер ва бошқа машиналар билан қазиш осонлашади; бу машиналар грунтни дараҳт илдизларидан, түнка колдиклари ва бошқалардан тозалашда ҳам ишлатилади. Ер юмшатиши машиналари билан йўлларни тўзатиши ва реконстрўкция қилиш вақтида унинг устидаги эски қопламани кўчириш мумкин.



6-расм.Юмшатгич ишчи жиҳози кўриниши.

Оғир грунтларни қазиша юмшатгичлар (юмшатиши машиналари) дан фойдаланиш улар билан бир комплексда ишловчи машиналарнинг иш унумини 3-5 марта оширади.

Юмшатиши машинаси (юмшатгич) кучли гусенициали трактор ва пневмофидиракли торткичга ўрнатилган осма ускунадан иборатdir.

Осма юмшатгичнинг асосий қисмлари қўйидагилардан: рама, учли тишлар ва бошқариш гидроцилиндридан иборат.

Осма юмшатгичлар уч нўқтали ва турт нўқтали(параллелограмм)осмали (подвескали) қилиб тайёрланади.


Юмшатгич буйлама – бурилиш схемасида ишлагандаги тракторнинг участкалар охирида бурилиши учун сарфланадиган вақт t_b кушилиб, салт юришига кетадиган вақт чегириб ташланади.



7-расм.Caterpillar D6R серия III юмшатгич

Түнка ковлагичлар түнка күпоришда ер участкаларини илдиз ва йирик тошлардан, киркилган буталардан ва ағдарилган дараҳтлардан тозалашда ишлатилади. Түнка ковлагичлар канатли ёки гидравлик бошқариладиган, иш органи трактор олдига ва орқасига осиладиган қилиб тайёрланади. Түнка ковлагичларни бошқариш учун бульдозер ва скреперларда ишлатиладиган чигир ва гидросистемалардан фойдаланилади.

Иш органи трактор олдига осиладиган кундаковлар (8-расм) кўндаланг кесими коробкасимон бўлган пастки қисмига туртта-олтига тиш ўрнатилган отвал-балкадан иборат бўлиб, у универсал бульдозернинг итариш рамасига махкамланади. Тишлар пўлат пона ёки винтлар ёрдамида махкамланади, шунинг учун уларни алмаштириш осон.



8-расм. Осма түнка ковлагич.

Тўнка қўпоришда тўнка ковлагич отвали транспорт ҳолатида унга (тўнкага) яқинлаштирилади. Отвал 0,5-1 м масофада тишлари ерга ботадиган қилиб туширилади. Олдинга ҳаракат қилганида илдиз қирқилади ва тўнка қўпориб олинади. Тўнка кўзғолиши биланоқ қўтариш механизми ёрдамида у юқорига қўтарилади, сўнгра тракторни олдинга юргизиб қўпорилган тўнкалар маҳсус жойга сурилади ёки орқага юриб ундан бўшатилади. Катта тўнкаларнинг отвал босадиган томонидаги илдизлари олдин қирқиб олиниб, сўнгра суририлади.

Тўнка ковлагичларнинг иш органи кўндаланг кесими коробкасимон балка сифатида тайёрланган бўлиб, унга қуйма башмаклар пайвандланган. Тўртта тишни поналар ёрдамида маҳкамлаш учун бу башмакларда уялар бор. Иш органининг қамраш кенглиги 1380 мм, тишлар ўртасигача бўлган масофа 440 мм, тишлар қалинлиги 60 мм, отвалнинг тишлари билан биргаликдаги умумий узунлиги 1250 мм.

1.3. Бульдозерлар хақида умумий маълумотлар.

Бульдозер, пичноқли ағдаргич, брус ёки рама қўринишидаги сурувчи қурилма ва ағдаргични гидравлик бошқариш системаларини ўз ичига олган, гусенициали ёки пневмофидиракли база тракторларнинг осма ускуналаридан иборат. Улар I –IV категориядаги ҳамда олдиндан юмшатилган қоя ва музлаган грунтларни қаватлаб қазиб олиш ва суришда қўлланилади. Бульдозерлар ёрдамида қурилиш майдонларини текислаш, кўтармалар қилиш, турли чўкурлар ковлаш, тоғ бағирларида террасалар тайёрлаш, бошқа машиналар ташидиган тупроқларни текислаш, пойдевор ва коммуникациялар учун хандаклар қазиш, чўкурлар, хандаклар ва бино пойдевори атрофини тулдириш, атрофни қор, тош, майда дараҳтлар, бутазор ва чангальзорлардан, тўнка ва қурилиш ахлатларидан тозалаш ва бошқа ишлар бажарилади.

Иш органи – отвалнинг ўрнатилишига кўра бульдозерлар икки хил бўлади: *отвали бурилмайдиган* (оддий) яъни отвали тракторнинг буйлама ўқига доимо перпендикуляр вазиятда ўрнатилган бульдозерлар ва *отвали*

буриладиган (универсал) бульдозерлар, бунинг отвали горизонтал текислика иккала томонга ҳам $50 - 65^0$ гача ҳамда тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан 90^0 , баъзан эса вертикал текислика ҳам иккала томонга $3 - 8^0$ буриладиган вазиятда ўрнатиш мумкин.

Бульдозернинг бурилмайдиган ағдаргичи иккита сурувчи брус кўринишидаги сурувчи қурилмага шарнирли махкамланган, брусларнинг кетинги учлари база машина юритиш қурилмасининг тусинларига шарнирли бириткирилган.



9-расм. 1. Яримсферик 2. Сферик 3. Тўғри 4. Универсал

Бульдозернинг буриладиган ағдаргичи универсал сурувчи рама 5 (9-расм) га махкамланган, бу рамага ағдаргичдан ташқари турли гидравлик бошқариладиган, алмашиб ишлайдиган ускуналар - бута кескич, дарахт йикитгич, тўнка ковлагич, қор тозалагич ва бошқалар ўрнатилиши мумкин. Буриувчи ағдаргич сурувчи рама билан ағдаргичнинг база машинага нисбатан бурилишига имкон берадиган марказий шарли шарнир 7 ва икки ён тиргаклар 6 орқали боғланган бўлади.

Гусенициали бульдозерлар технологик имкониятларни анчагина оширадиган қўшимча тез алмашадиган иш ускуналари билан жиҳозланади.



10-расм. **Совуқ ўлкаларда ишлайдиган D9N маркали бульдозер**

Бундай бурилишларни отвали бурилмайдиган бульдозерлар хар 1 – 3 м ўтгандан сўнг бажаради. Отвали буриладиган бульдозерларда грунт узлуксиз ён томонга тушиш учун пландаги бурчак етарли эмас, шунинг учун ҳам бу типдаги машиналар учун бундай бурилишлар зарур.

Террасаларни бўйлама ўтиб ишлаш бульдозерлар учун анча қийин ва хавфли иш ҳисобланади. Барча холларда ҳам полкани ён бағир томонга қия ҳолатда сақлаш керак, акс холда бульдозер қиялик бўйлаб сурилиб тушиб кетиши мумкин.


1.4. Автогрейдер ва скреперлар.

Автогрейдерлар грунтни текислайдиган ва унга шакл берадиган ўзи юрар машина бўлиб, уларнинг иш жиҳози пневмоғилдиракли юритиш ускунасининг кетинги ва олд кўприклари орасига жойлашган, тўла айланувчан пичоқли ағдаргичдан иборат.

Автогрейдерлар конструктив массасига кўра енгил (9 т гача), ўртacha(13 т гача) ва оғир (19 т гача) автогрейдерларга, А×Б×В ғилдирак формуласига асосан аниқланадиган ғилдирак схемасига кўра турларга бўлинади (бу ерда A –

етакланувчи ёки бошқарувчи ғилдиракли ўқлар сони, Б – етакловчи ғилдиракли ўқлар сони ва В – умумий ўқлар сони).

Хозирги автогрейдерларнинг барча йиғиши бирликлари ва агрегатлари (11- расм), шу жумладан двигатель 8, гидроускуналар трансмиссияси билан биргаликда хайдовчининг кабинаси 7 ва автогрейдернинг асосий ҳамда алмашадиган иш ускуналари асосий рама 4 га маҳкамланган, рама эса ўз навбатида бир томони билан бошқарувчи ғилдиракларга эга бўлган олдинги кўприк 18 га, иккинчи томони эса жуфт ғилдиракларнинг буйлама-мувозанатли осмасига эга бўлган орқадаги тўрт ғилдиракли кўприк 10 га қотирилади.



11- расм. Автогрейдерни умумий кўриниши.

Автогрейдерлар турли қияликларда ишлагандан ҳаракат устиворлигини ошириш ва бурилиш радиусини камайтириш мақсадида олдинги ғилдиракларини хар иккала томонга ёнбошлатиб ўрнатиш мумкин. Автогрейдерларнинг асосий иш ускунаси тортиш рамаси 16, бурилиш доираси 15 ва алмашадиган икки тиғли пичоқларга эга ағдаргич 14 дан иборат. Тортиш рамасининг олд қисми машина рамаси билан шарнирли бирлашган, орқа қисми эса гидроцилиндрлар 5 га осиб қўйилган, улар ёрдамида ағдаргич ағдаргич транспорт (кўтарилилган) ва иш ҳолатига (туширилган) келтирилади. Улар асосий иш жиҳозларидан ташқари қўшимча алмашадиган ускуналар билан ҳам таъминланади чунончи, грунтни суриш ва текислаш учун ағдаргични узайтиргич ва кенгайтиргичлар билан, тупроқ уюми ёки чўқурликларнинг

нишабларини текислаш ва зовурларни тозалаш учун откосниклар (ағдаргичга қотирилади) билан, йўл қопламларини бузиш ва қаттиқ грунтларни 250 мм чўкурликкача юмшатиш мақсадида қамров кенглиги 930 ... 1400 мм бўлган кирковшиклар билан, буларнинг ўрнига алмаштириб қўйиш мумкин бўлган бульдозер ва икки ағдаргичли қор тозалагич билан жиҳозланади ва улар машинанинг олди томонидан қўйилиб, гидроцилиндр 2 билан бошқарилади. Машинанинг гидравлик бошқариш системаси ағдаргични буриш доираси билан бирга планда 360^0 га буриш, ағдаргични машинанинг буйлама ўқига нисбатан хар икки томонга чиқариш (300 ... 800 мм гача), ағдаргични нишабларни текислаш пайтида ён томонга чиқариш ҳамда бир йўла ағдаргични турли иш ҳолатларига созлаш имконини беради.



12-расм. Қор курашда қўлланиладиган Автогрейдер ишчи жиҳози.

Барча ғилдираклари етакчи бўлган автогрейдерларнинг асосий афзаллиги шундаки, улар ўтиш қийин йўл участкаларидан юра олади. Уларнинг юриш қисми грунтга машина массасини ўзи орқали узатувчи олтига ғилдиракли олдинги ва кетинги кўприклардан тузилган. Етакчи ғилдираклар ер ишларини бажариш, шунингдек, автогрейдерларнинг юк ортиб ҳаракатланишида тортиш қучини ҳосил килади. Кетинги тўртта ғилдирак бошқарилмайди, олдинги иккита ғилдирак бошқарилади. Айланма ҳаракат ва буровчи момент бош узатма редўқторларидан балансирнинг етакчи шестернясига ўзатувчи ярим ўқлар эгувчи моментдан ярим озод ёки бутунлай озод қилиб ишланади.

Қирқиши бурчагини ўзгартириш учун қуидаги ишларни бажариш керак:
отвал пичоқда туриш учун у ерга тушурилиши лозим;
чиқиш тишлилари секторлар тишлиларидан ажраладиган қилиб тишли
муфтадаги гайкани бўшатиш керак;

отвални ер устида қирқиши бурчагига мос келадиган баландликка
кўтариш керак.

Отвални қияликларга ишлашга мослаб ўрнатиш.

Отвални кўтариш гидроцилиндрлари ричаглари ва қиялик грейдер
юриши бўйлаб ўнг томондан қирқишида чиқарма тортиш рамаси
гидроцилиндрларининг ҳолатлари:

Қиялик бурчаги 90° бўлганда;

- унг ричаг вертикалга нисбатан (соат стелкаси ҳаракати бўйлаб) 35°
бурчак остида ўрнатилади;
- чап ричаг 180° бурчак остида ўрнатилади;
- тортиш рамасини четга чиқариш гидроцилиндри дастлабки ҳолатга
ўрнатилади.

Қиялик бурчаклари 40° ва 90° гача бўлганда:

- ўнг ричаг тахминан 65° бурчак остида ўрнатилади;
- тортиш рамасини четга чиқариш гидроцилиндри кронштейннинг энг
чекка шаравий бармоғига осилади.

Қиялик бурчаги 0 дан 40° гача бўлганда отвалнинг тўла иш узунлигидан
фойдаланиб булмайди.

Отвални транспорт ҳолатига ўрнатиш учун қуидагиларни амалга
oshiриш керак:

- осиш системасини дастлабки ҳолатга келтириш;
- тортиш рамасини асосий рамага тақалгунча кўтариш;
- отвални шундай буриш керакки, унинг униг учи бевосита олдинги
ғилдирак олдида жойлашсин;

– тортиш рамасини шундай түғрилаш керакки, пичоқнинг қирқиши қирраси горизонтал теакисликка параллел бўлсин.

Гидравлик бошқариладиган оғир ДЗ-98 автогрейдерларда қирқиши бурчагини ўзгартиришдан бошқа барча операциялар кабинадан чиқмай бажарилади.

ДЗ-14 автогрейдер механикавий тупроқли ва шагалли йўлларни ва аэродромларни куришда, оғир тупроқли йўлларнинг ёнларидан чиккан тупроқларни бир жойга туплашда, майдончаларни текислашда ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаришда ишлатилади.

Автогрейдерларда хар бир иш тури учун отвалнинг максимал иш унумига эришиладиган оптимал вазияти бор (1-жадвал).

1-жадвал

Автогрейдер отвалининг тавсия этиладиган ўрнатилиш бурчаклари

Иш тури	Бурчаклар, градусларда		
	қамраш	қирқиши	Ўз узунлиги бўйича отвалнинг оғиши
Казишда:			
плуг билан юмшатилган ер	30 гача	40 гача	11 гача
қирковшчик билан юмшатилган ер	35 гача	40 гача	13 гача
Юмшатилмаган, енгил тупроқли ер	45 гача	35 гача	15 гача
Грунтни суриш билан бирга уни текислашда:			
оғир тупроқли ер	40 – 45	35 гача	11 гача
енгил тупроқли ер	35 – 45	40 – 50	13 гача
Айрим ишларда:			
текислаш	45 – 55	40 – 50	18 гача
шиббалаш билан бирга	55 – 90	40 – 60	3 гача
текислашқияликларни кесиш	60 - 65	35	70 гача

Скреперлар. Скреперлар грунтни қатlamлаб (горизонтал) олиш, ташиш уни тупроқ иншаотларига тұқиб, маълум қалинликдатекислашга мүлжалланган. Шундан ташқари, скреперлар күттармалар устида юрганда тұқылған грунтни ғилдираклари билан зичлайди, натижада грунт шиббалаш машиналарига әхтиёж колмайди.

Скреперлар билан турли грунтларни, қоратупроқ кумдан то оғир лойгача ишлеш мүмкін. Жуда зич грунтлар, одатда, махсус машиналар - юмшатгичлар воситасида олдиндан юмшатилилади.

Скреперлардан фойдаланишда грунтни ташиш үзоклиги асосий курсатгич ҳисобланади.

Базавий гусенициали тракторлар билан агрегатлагған тиркама скреперлардан, одатда, грунтни 100 дан 800 ва энг үзоги 1500 м гача масофага ташишда фойдаланилади. Скрепер сиғими қанчалик катта, унинг базавий трактори қанчалик тез юрар бўлса, агрегатдан тупроқни шунчалик үзокка ташишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бирок грунтни 1км ва ундан үзок масофага ташишда грунтни бир ковшли экскаватор ортадиган автомобиль - самосваллар скреперларга нисбатан афзалдир. Агар грунт ташиш масофаси 100м дан якир булса, базавий тракторларга ўрнатилған анча оддий ва арzon бульдозерлардан фойдаланган маъқул.



13-расм. 657Е маркали Ўзи юкловчи скрепер

Базавий тез юрар ғилдиракли тягачлар (шартли равишда ўзиюрар скреперлар деб аталувчи агрегатлар) билан агрегатланадиган ярим тиркама скреперлар грунтни қулай шароитларда 300 дан 3000 м ва ундан үзок

масофаларга ташишда қўлланилади. Грунтни 300 м масофага ташишда гусенициали трактор, билан ишлайдиган анча арzon тиркама скрепердан фойдаланган маъқул, чунки бундай шароитларда кўпинча ўзиорар скрепердан (тез юарлигидан) фойдаланишга имкон булмайди. Грунтни 3000м ва ундан ўзоқ масофага ташишда ҳамда йўлсиз жойлардан юрганда ўзиорар скреперлар грунтни экскаватор ортадиган автосамосвалларга нисбатан афзалрок бўлади. Курилишда тайёр йўлдан фойдаланиш ва 3000 м дан ўзоқ масофага грунт ташилганда экскаватор казиган ва автосамосвалда ташилган гурунт киймати, одатда, ўзиорар скреперда ташилган грунт қийматидан арzon бўлади.

Тиркама ўзиорар скреперларда констрўкциянинг ва ковшдаги грунтнинг бутун массаси ғилдиракларигагина тушади ва йўлда содир бўлган тебранишга ғилдиракларнинг заарли қаршилигини оширади. Ўзиорар (яrim тиркама) скреперларда констрўкция массасининг кўп (55% гача) қисми ва ташиладиган грунт массаси базавий машинага ўзатилиб, бунинг массасидан тортиш кучини оширувчи актив тиркаш оғирлиги сифатида фойдаланилади.

Базавий машина юриш қисмининг турига қараб скреперлар гусенициали ва ғилдиракли трактор билан ишлайдиган скреперларга бўлинади.

Ковши грунтни олиш усулига қараб скреперлар қуйидаги хилларга бўлинади: ҳаракат кучи билан грунт оладиган, яъни базавий машина ва итаргичи билан (агар итаргич қўлланилса) шатакка олинадиган скрепер ва скреперга ўрнатилган куракчали элеватор ёрдамида грунт мажбуран ортиладиган. Биринчи хил скреперлар бир неча типавий ўлчамларда сериялаб ишлаб чиқарилиб, иккинчиси машинасозлик саноатида энди ўзлаштирилмоқда.

Тиркама скреперлар гусенициали тракторларга тиркалиб, уларни утувчанлиги баланд ва йўл шароитлари ёмон бўлган жойларда қўлланилади. Аммо бу машиналарнинг паст ҳаракат тезлигига эга бўлиши (10 ... 15 км/соат), грунтни 500 ... 800 м ўзоқликка олиб бориб тўкишда самарали, холос. Ўзи юар скреперлар эса тиркамали машиналарга қараганда маневрчанлиги, қўзгалувчанлиги, транспорт ҳаракат тезлиги соатига 50 км гача ва иш унумини юқори (1,5 ... 2 марта) бўлганлиги билан афзал туради. Кувватли ғилдиракли


тракторга тиркалган ярим тиркамали скреперлар эса тиркамали ва ўзи юрар скреперларнинг барча яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган. Ўзи юрар ва ярим тиркамали скреперлар грунтни 5000 м гача ўзоқликка ташиганда иктисодий самара беради.



14-расм. 631G маркали ўзи юрар скрепер

Ўзи юрар скрепер (15-расм) бир ўқли шатакчи 1 га бир ўқли ярим тиркамали скрепер жиҳози универсал улаш қурилмаси 2 орқали бирлаштирилган икки ўқли пневмоғилдиракли машинадан иборат. Шатакчига иккита гидроцилиндр 3 ўрнатилган. Грунтни йиғиш пайтида скреперни бульдозер-итаргич билан суриш учун буфер қурилмаси 10 бор.

Скрепер қуйидаги асосий қисмлардан иборат: иккита ён девори ва туб қисмига эга бўлган чўмич 11, унга иккита ён томондаги 13 ва ўртадаги 12, икки томонлама тигга эга бўлган алмашадиган пичоқ ўрнатилади. Чўмични мажбуран бўшатиш учун кўзгалувчан кетинги девор 8 га, тупроқни олиш ва бўшатиш учун олд қисмида тускич 6 га эга. У чўмични тулдириш пайтида, тиркишни ростлаш ва ташиш пайтида чўмични беркитиш учун хизмат қилади. Чўмич хартум 4 билан бикр бирлашган *P*-симон тортиш рамаси 5 га шарнирли бирлаштирилган. Иш ускуналарини гидравлик бошқариш системаси чўмич 11 ва тускич 6 ни кўтариш ҳамда тушириш, кетинги девор 8 ни уч жуфт гидроцилиндрлар 7, 9 ва 14 ёрдамида суриш ва ўз ўрнига олиб келишни таъминлайди.



15-расм. Ўзи юрар скрепер (умумий кўриниши).

1.5. Экскаваторлар ва юклагичлар

Экскаваторлар ўзи юрар ер қазиш машиналари бўлиб, улар грунтни қазиш ва уни бир жойдан иккинчи жойга суриш учун хизмат килади. Улар иш жиҳози маълум сифимга эга бўлган чўмичдан иборат циклли ишлайдиган бир ковшли экскаваторларга ва кўп чўмичли, қуракли ва фрезали (чўмичсиз) иш жиҳозига эга бўлган ўзлуксиз ишлайдиган экскаваторларга бўлинади. Бир чўмичли экскаваторлар ишни алоҳида, кўп марта такроорланадиган цикллар билан бажаради, бунинг натижасида ерни қазиш ва уни силжитиш жараёни алоҳида ва кетма-кет бажарилади. Иш жараёнида машина вақти-вақти билан навбатдаги грунт хажмини ишлаш учун жойидан жилиб туради. Ўзлуксиз ишлайдиган экскаваторлар эса грунтни қазиш ва уни силжитиш жараёнини бир вақтнинг ўзида ва ўзлуксиз бажаради. Бундай экскаваторларнинг иш унуми бир чўмичлиларнига нисбатан юқори, чунки улар грунт ва иш жиҳозларини жилдириш учун иш вақтининг 2/3 қисмини сарф килади.

Бир чўмичли экскаваторлар вазифасига кўра қурилишда ер қазиш ва юклаш-тушириш ишлари учун мўлжалланган универсал қурилиш экскаваторларига, қурилиш материаллари, руда ва кумир казиб олиш, очик усулда фойдали казилмаларни казиб олиш учун мўлжалланган кон экскаваторига бўлинади. Ўзлуксиз ишлайдиган экскаваторлар эса вазифасига кўра буйламасига трубопровод ва турли хил коммуникациялар учун хандаклар

қазиидиган (хандак экскаваторлари), каналлар ва сув йўллари қазиидиган (канал ковлагичлар) ҳамда кон текислаш ва мелорация ишлари учун мўлжалланган қўндалангига ковладиган машиналарга ва радиал ковладиган машиналар- катта хажмдаги очиш ва кон ишлари учун мўлжалланган турларга бўлинади. Шахар, саноат ва гидроиншоотлар қурилишида қўпроқ бир чўмичли универсал қурилиш ва хандак экскаваторлари қўлланилади.

Бир чўмичли қурилиш экскаваторлари қуйидаги белгиларига кўра таснифланади: юриш қурилмаси турига қўра – гусеницали (нормал ва таянч юзаси катталаштирилган) ва пневмоғилдиракли; юритма турига қўра – бир моторли (гидравлик); таянч-бурилиш қурилмасига қўра – тўла буриладиган (иш жиҳозларининг планда бурилиш бурчаги чегараланмаган) ва тўла бурилмайдиган (иш жиҳозларининг пландаги бурилиши $180^{\circ}\dots270^{\circ}$ га чегараланган); иш жиҳозлари осмаларининг турига қўра – канат полистпастларга осилган эгилувчан осмали ва гидроцилиндрлар ёрдамида бикир осилган; ижрочи иш жиҳозларининг бажарилишига қўра шарнир-ричагли ва телескопик.

Булардан ташқари, экскаваторлар ўлчамлари, массаси, қуввати ва чўмичининг сифимига қўра ўзаро фарқ қиласи.

Бир чўмичли экскаваторнинг асосий параметрлари қуйидагилардир: чўмичнинг сигими, иш циклининг давомийлиги, қазиш ва тупроқни тўкиш радиуси, қазиш баландлиги ва чўқурлиги, тупроқни тўкиш баландлиги, экскаватор енга оладиган йўл қиялиги, машинанинг констрўктив ва эксплуатацион массаси, грунтга бўладиган ўртача солиштирма босим, юриш қурилмасининг колеяси ва базаси.

Агар экскаваторларга камида учта алмаштириладиган иш жиҳози - тўғри курак (лопата), тескари курак ва драглайн ўрнатиш мумкин булса, уларга бошқа турдаги иш жиҳозлари ўрнатиш ҳам мумкин ва бундай экскаваторлар универсал экскаваторлар дейилади.



16-расм. Catarpellar 330D маркали бир чўмичли экскаватори

Экскаваторларнинг хар қандай иш жиҳози билан ишлаш цикли қуидаги операциялардан иборат:

- 1) иш йўли - кўтариш ва босиш ёки тортиш механизми ёрдамида чўмични грунт билан тулдириш, жойига олиб бориш ва тўкиш;
- 2) салт йўли - буш чўмични тўкиш жойидан яна қазиш жойига келтириш;
- 3) экскаваторни янги иш жойига олиб ўтиш.




16-расм. Catarpellar 330D маркали бир чўмичли экскаватор алмашинадиган ишчи жиҳозлари

Гидравлик юритмали экскаваторлар. Гидравлик юритмали бир чўмичли экскаваторлар кўп моторли, тўла буриладиган ва бурилмайдиган, иш жиҳозлар бикр қилиб осилган машиналар бўлиб, двигателнинг қувватини ижрочи механизмларга ўзатиш учун гидравлик хажмли юритма қўлланилади.

Бу турдаги экскаваторлар механик экскаваторларга нисбатан кенгроқ хилдаги алмашинувчи иш жиҳозларига эга ва иш жиҳозларининг асосий ҳамда ёрдамчи ҳаракат турлари нисбатан күп, бу эса уларни технологик имкониятларини кенгайтиради ва шахар, саноат ҳамда гидроиншоотлар қурилишида бажариладиган ер қазиш ишларини, айникса тор шароитларда қурилиш ишларини механизациялаш даражасини оширишга имкон беради.

Гидравлик экскаваторлар шарнир-пишангли (12.1-расм) ва телескопик иш жиҳозли бўлади, уларни ушлаб туриш ва ҳаракатга келтириш учун бикр боғланишлар – гидроцилиндрлар қўлланилади. Шарнир-пишангли жиҳозларининг иш ҳаракатлари стреланинг қиялик бурчагини ўзгартириш, дастани чўмич билан бирга стрелага нисбатан буриш ва чўмични юастага нисбатан буриш, телескопики турида эса – телескопик стрелани чиқариш ва ичига тортиб олишдан иборат.



17– расм. Бир чўмичли гидравлик экскаватор (шарнир-пишангли).

Тескари қурак энг кўп қўлланиладиган иш жиҳозлари турига киради ва у экскаватор турган юзадан пастда жойлашган чўқурларни қазиш учун хизмат қиласи. Тескари қурак иш жиҳози комплектига стрела (Г-симон ажралмайдиган ёки узунлиги ўзгарадиган улания 1,6 лар бўлиши мумкин), даста 5, буриловчи чўмич 4 ва гидроцилиндрлар 2, 3, 8 киради. Қазиш пайтида қиринди калинлиги стрелани кўтариш ёки тушириш билан созланади. Уланма стрела қазиш чўқурлиги H_k ва қазиш радиуси R_k (ҳамда бўшатиш баландлиги H_e) ни ўзгартириш имконини беради. Бино ва иншоотларнинг пойдеворига якин жойларда ишлаганда ҳамда қазиладиган хандакларнинг ўқи экскаваторнинг

бўйлама ўқи билан устма-уст тушмайдиган холларда тескари курак иш жиҳозига, даста 5 ни гидроцилиндр билан бирга планда стрела 1 нинг ўқига нисбатан бурчак остида ўрнатиш имконини берадиган маҳсус оралиқ деталь 9 кўлланади. (17-расм). Бу эса қазиши ўқининг машинанинг бўйлама ўқига нисбатан 1,5 м гача суриш имконини беради. Бундай суриш имконияти гидравлик экскаваторларнинг энг катта афзаллиги ҳисобланади.

Буриладиган чўмичли тўғри курак 4 ... 6 улчамли гурухга кирувчи экскаваторларда кенг қўлланилади ва ўзи турган теқислик юзасидан юқорида (кўпроқ) ва пастда жойлашган грунтларни қазишт ҳамда юқлаш ишлари учун хизмат қиласди.

Бир чўмичли юклагичлар

Курилиш ишлаб чиқаришдаги юқлаш-тушириш ишларини бажариш учун юклагич ва туширгич машиналаридан фойдаланилади.

Юкландиган материалларнинг турига қараб, донали юклар учун (кўтариб оловчи ёки вилкали) ва сочиливчан юклар учун (ботириб оловчи) мўлжалланган юклагичлар қўлланилади. Ботириб оловчи юклагичлар бир чўмичли ва кўп чўмичли ўзлуксиз ҳаракатланувчи турларга бўлинади. Бир чўмичли юклагичлар универсал ҳисобланиб, улар турли хил шароитларда қўлланилади. Кўп чўмичлилар эса катта омборларда, йўл қурилишида ва ишлаш жараёни ўзлуксиз бўлган қорхоналарда кенг қўлланилади.



18-расм.Catarpellar 422Г маркали бир чўмичли юкловчи машина

Юриш қисмларига кўра юклагичлар ғилдиракли ва занжирли бўлиши мумкин. Занжирли юклагичлар юқори ўтағонликка эга ва катта босим кучи ҳосил қилаолади. Ғилдиракли юклагичлар юқори маневрчанлиги ва транспорт тезлиги билан фарқ қиласди, омбор майдонлари ва йўлларининг юзини бўзмасдан ишлади.

Бир чўмичли юклагичлар даврий машиналар туркумига кириб сочилиувчан ва донали юкларни транспорт воситасига юклаш учун ишлатилади.

Хозирги пайтда қурилишда энг кўп қўлланиладиган юклагичлар хажмли гидравлик юритмали, ғилдиракли, фронтал иш жиҳозига эга бўлган қурилиш юклагичларидир. Юклагичнинг чўмичи гидроцилиндр орқали бошқариладиган махсус ричагли системага осилади. Чўмични кўтариш механизми қўзгалмас марказ атрофида кўтарувчи цилиндр ёрдамида буриладиган стреладан иборат. Стреланинг учида шарнирли махкамланган чўмич, у буриш гидроцилиндри ва ричаглар системаси ёрдамида стрела атрофида айланади.



19-расм.Catarpellar 422Е маркали бир чўмичли юкловчи машина

Оддий чўмичлар ўрнига махсус чўмичлар ўрнатилса, тоғ жинслари ва шунга ўхшаш юкларни ҳам юклashi мумкин. Агар чўмич ўрнига алмаштириувчи жиҳозлар ўрнатилса, улар бир неча ёрдамчи: монтаж қилиш, тозалаш, қор йиғиш ва ҳоказо ишларни ҳам бажариши мумкин.

Юклагичлар юк күтәрүвчанлиги бўйича 4 классга бўлинади:

- 1) енгил – 0,5 … 2,0 т,
- 2) ўрта – 2,0 … 4,0 т,
- 3) оғир – 4,0 … 10,0 т,
- 4) ута оғир – 10,0 т дан ортиқ.

Юриш қисми бўйича – гусеницали, ғилдиракли бўлади.

База машинаси бўйича – махсус шассиларда ва тягачларда.

Ишчи органини жойлашиши бўйича - олдинда ёки орқада жойлашган бўлади.

Биринчи усул - кинематик йўл билан, яъни ричагли механизм ёрдамида бажарилади.

Иккинчи усул – қуйидаги система бўйича: гидроцилиндрни чўмичга таъсири бўйича механизмлар ричагли ва ричагсиз системаларга бўлинади.

Ричагли системаларда бир боскичли ва кўп боскичли ричагли механизмлар бўлади.



20-расм.Catarpellar 9610 маркали бир чўмичли занжирли юкловчи машина

Перфоратор пармаловчи болға қўринишига эга бўлиб, сиқилган хаво ёки сўқилган суюклиқ билан ишлайди, ҳамда пармани буриш механизми билан таъминланган. Ишлатилиш шароити ва ўрнатилиш тури бўйича қўлда ишлатиладиган, телескопик ва устунлик перфораторлар бўлади. Перфоратор силиндрдан иборат бўлиб, унда хаво тарқатувчи қурлма орқали бериладиган сиқилган хаво ёрдамчидаги поршен-болға ҳаракат қиласи. Ишчи юриш охирида

поршен-болға пармани дум қисмiga келиб урилади. Хаво тарқатувчи қурилма клапанли ёки золотникли бўлади.

Оддий тўзилиши, ишлатилиши ва энергия манбаъига боғлиқ эмаслиги томонидан қурилиш материалларини карерларида арқонли уриб кавлайдиган станокларни кенг кўламда қўлланилишига олиб келди.

Арқонли уриб кавлайдиган станокларни иш жараёни кавлайдиган бурғалаш снарядини тез-тез кўтарилишига, ҳамда эркин тушишда кудўқ тагига урилиб, тош махсулотларини синдириб ковлашга мўлжалланган. Бурғалаш снарядини массаси 500 – 3000 кг, кўтарилиш баландлиги 0,6 – 1,2 м, уришни такрорланиши минутига 60 маротаба.



21-расм.Catarpellar H70 маркали гидро молот ишчи жихози

Бурмалашни физик-химик хоссалари бўйича термик, портловчи, гидравлик ва бошқалар бўлади. Тоғ жинсини термик бурмалашдаги бўзилиш жараёни юқори хароратли газ оқимини қудўқдаги жинсларга таъсирига асосланган. Жинсда термик кучланишлар, қаватлар орасидаги хароратни кескин фарқи орқали майдонга келади. Юқори қаватни емирилиш-эрозия бошланади ва бўзилиб, синиб чиқаётган махсулотлар газ оқими ёрдамчидаги ташқарига чиқариб ташланади. Ишчи қисми йондиргич – горелка бўлиб, уни камерасидаги газни харорати $2500 - 3500^{\circ}\text{C}$, оқимини тезлиги эса $1800 - 2000 \text{ мГъс}$ ни ташкил қиласи. Йонувчи сифатида исталган суюқ йонилғи (керосин, бензин, сол ярка) кислород, хаво, азот кислотаси каби оксидлантирувчилар аралашмасида ишлатилади.

Бурмалашни портлатиш усулида тош жинсларига сув билан маълум вақт ичида, маълум тебранишда портловчи модда Пмни кичик кувватлилиги юборилиб туради ва енгил портлашлар натижасида аста-секин кудўқ кавланади. Гидравлик усулда бўзишда гидромонитор конус найчаси сопладан тезлиги 60 м/с ва босими 3 Мпа бўлган сув оқими ёрдамчидаги жинсларни синдириш мумкин. Қояли тош моддаларни бузишда сув оқимини босими 50 Мпа дан юқори бўлиши лозим. Бузишни электрогидравлик усули эса суюқлик ичидағи электр занжирини уланиш жойларини ўртасида юқори импульсли разрядни тез-тез такрорланиши орқали амалга оширишни тушунилади. Майдаланиш бу қаттиқ материал бўлакчаларини ўлчамини бошланғич йириклигидан зарур бўлгунгача аста-секин камайтириш жараёнидан иборат. Майдалангандан тош ишлаб-чиқаришда майдалаш натижасида тайёр маҳсулот олинади. Бошқа ҳолатларда ушбу жараён тайёрлов қисми бўлиб, кейинчалик қайта ишланилади, масалан, сement ишлаб чиқаришда. Материал бўлакларини бошланғич ва натижавий йириклигига қараб, майдалаш жараёнини асосий икки хил тури бўлади: майдалаш ва ун қилиш. Охирги маҳсулотни ўлчамига қараб қуйидагича бўлинади: майдалаш – йирик (булоклар ўлчами 100 – 350 мм); ўртача (40 – 100 мм); майда (5 – 40 мм); ун қилиш қўпол (заррачалар улчами 0,1 – 5 мм); ингичка (0,05 – 0,1 мм); ўта ингичка (0,05 мм дан кам).

Майдаланадиган материалларни хоссалари ва майдалангандан маҳсулотларга қўйилган талаблар.

Кўпгина қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хом-ашё бўлиб тоғ жинслари хизмат қиласи. Қайта ишлайдиган машиналарни техник кўрсаткичларига таъсир қилувчи асосий физик-химик хоссаларини қуйидаги тавсифлар аниқлайдилар: мустахкамлик, мўртлик, абразивлик, йириклик, зичлик, солиштирма оғирлик.



22-расм.Catarpellar A-14B маркали бургулаш ишчи жиҳози

Тош майдалагичлар иш тартиби бўйича қўйидагиларга бўлинади: жағли, бунда материал эзиш, ёриш ва қисман ишқалаб синдириш иккита плита – жағ орасида, уларни вақти-вақти билан яқинлашиши, ёрдамчидаги майдаланади, конусли, бунда материал эзиш, синдириш ва қисман ишқаланиб синдириш ёрдамчидаги иккита конусли юза оралиғида, биттаси иккинчисига нисбатан экссентрик ҳаракат қилиш ҳисобига узлуксиз майдаланади; цилиндр ғилдиракли, материал иккита қарама-қарши айланётган силиндр ғилдираклар орасида эзиш ҳисобига майдаланади (гоҳо ғилдираклар хар-хил айланниш сони билан айланади, у холда эзиш ишқаланиш билан кушилиб келади); уриб ишлайдиган, улар ўз навбатида болғали ва роторли бўладилар; болғали тош майдалагичларда материал, асосан шарнирга ўрнатилган болғаларни уриш кучи ҳисобига майдаланса, роторли тош майдалигичларда роторга мустахкам ўрнатилаган урувчи-билларни уриш ҳисобига майдаланади, ҳамда материални қайтирувчи плиталарга ва ўзаро урилиш ҳисобига майдалашга эришилади.

Қатор майдаловчи машиналар (багун ва дизинтеграторлар) тош майдалагич машиналари ва тегирмонлар туркумига киради, ҳам майда қилиб майдалаш ва қўпол ўлчамдаги ун қилиб майдалаш учун ишлатилади.

1.6. Йўлнинг қурилиш материалларини зичлашга мўлжалланган машиналар.

Грунтни зичлаш автомобил йўллари қўтартмаларини қуриш технология жараёнининг энг муҳим элементларидан ҳисобланади. Бунда зичлаш

даражасини баҳолаш асосида стандарт зичлаш усули ётади, шунинг учун грунтларнинг зичлигига қўйиладиган талаблар одатда зичлаш коеффициенти кўринишида, яъни максимал стандарт зичликнинг қисмларида ифодаланади. Автомобил йўллари тупроқ қўттармасининг юқори грунт қатламлари учун зичликка қўйиладиган талаблар баланд бўлади – бу ерда грунт зичлиги ($0,98 - 1,0$) σ_{max} дан паст бўлмаслиги керак. Кўттарманинг паст қатламларида у $0,95 \sigma_{max}$ гача туширилиши мумкин. Шуни қайд этмоқ лозимки бундай юқори зичликка эришиш анча қийинчиликлар билан боғлиқ, ҳамда, бир томондан, қўлланилаётган машиналар параметрарини, иккинчи томондан, иш режимини тўғри танлаш йўли билан эришилади. Грунтларни зичлаш факат ушбу мақсадлар учун маҳсус мўлжалланган машиналар воситасида амалга оширилади.

Зичлаш пайтида грунтларнинг намлиги катта аҳамият касб этади. Грунтга таъсир этувчи хар бир оғирликка ўзига мос оптималь намлик тўғри келадики, шундагина энг кам миқдордаги механик иш сарфлаган холда талаб қилинган зичликка эришиш мумкин бўлади. Талаб қилинган зичликка эришиш учун намлик етарли бўлмаган холларда қатор тадбирлар қўлланиши керак бўлиб, уларга, масалан, зичланаётган қатлам қалинлигини камайтириш чораси киради; жуда қурўқ грунтларни талабдаги зичликка умуман келтириб бўлмайди. Стандарт зичлаш усули билан аниқланадиган грунтнинг оптималь намлиги W ўрта машиналар ишига мосдир. Оғир машиналар ишига тўғри келадиган оптималь намлик одатда ($0,8 - 0,9$) W га teng.



23-расм.Catarpellar 825Н маркали чакиктош шиббаловчи каток

Грунт босиб текислаш, шиббалаш, вибратсия ва вибро-шиббалаш йўли билан зичланади.

Босиб текислашда грунт устидан валетс ёки ғилдирак ғилдаллайди. Уларнинг грунт билан контактга киришган сатхида қандайdir солиштирма босим (кучланиш) содир бўлиб, бу босим ҳисобига грунтнинг қайтмас деформатсияси юзага келади. барча катокларнинг иши шу принципга асосланган. Шиббалаш пайтида грунт тўқилаётган масса сифатида зичланиб, бундан аввал у қандайdir баландликка қўтарилиган ва грунтли сатхга етиб тушиш пайтида маълум тезликка эга бўлган бўлади. Шундай қилиб, шиббалаш ишчи органнинг грунтга урилиши билан боғлиқ. Вибратсия пайтида зичловчи масса зичланаётган қатlam устида бўлади. Махсус механизм ёрдамчидан табранувчи харакат холига келтирилади. У массанинг кинетик энергиясининг бир қисми грунт тебранишига сарфланади. Грунт тебраниши эса унинг заррачаларининг нисбий силжишларини келтириб чикаради ва натижада зичликка эришади. Вибратсия пайтида массанинг зичланаётган сатхидан узилиши содир бўлмайди ёки бу узилиш жуда оз бўлади. Агар массанинг тойилиши маълум чегарадан ошиб кетса, унда массанинг грунтдан ўзилиш холи руй беради ва бу унинг грунтга тез-тез урилишига олиб келади. бундай холда вибратсия (титраш) вибро-шиббалашга айланади. Бу протсесс шиббалашдан зарбларнинг юқори частотага эга бўлиши билан ажралиб туради. Массанинг тушиш баландлиги кичик бўлишига қарамай, юқори харакат тезликлари юзага келиши туфайли, зарб энергияси анча кучли бўлиши мумкин.



24-расм.Catarpellar CS-683E маркали вибро-шиббаловчи каток

Барча холларда машина ишчи органларининг грунтга таъсири унга даврий оғирлик тушиши билан боғлиқ.

Жадвалдан қўриниб турганидек, шуббалаш босиб текислашга кўра максимал кучланишлар ўртасидаги фарқ жуда оз бўлишига қарамай, жараёнларнинг анча тезлиги билан ажралиб турди. Виброшиббалашдан ўзининг кам кучланишлари билан фарқ қиласи, бироқ таъсир эфекти ортади.

Деформатсия, демакки, зичланиш эфекти ҳам кучланган ҳолат тезлигининг ўзгариши, ҳам оғирлик таъсирининг давомийлиги, демакки, оғирлик ишлатилишининг қайтарилаш сонига боғлиқ (яъни оғирлик неча мартта ишлатилганига боғлиқ).

1.7.Асфальт ётқизгичлар, вазифаси, умумий тузилиши ва ишчи органлари.

Асфалт ётқизгичлар асфалт-бетон қоришиларини таксимлаш, ётқизиш ва дастлабки зичлаш учун хизмат қиласи. Асфалт ётқизгичлар ўзи юрувчи қисмларининг тўзилишига кўра гусенитсали юргичли ва ғилдиракли юргичли турларига бўлинади.

Унумдорлиги ва вазифасига кўра асфалт ётқизгичлар оғир ва енгил турларга бўлинади.

Оғирлари (унумдорлиги 200 т/ъсоат дан ортик) катта хажмдаги ишлар учун мўлжалланган. Унумдорлиги 50 – 100 т/соат бўлган асфалт ётқизгичлардан унча катта бўлмаган иш хажмлари учун фойдаланилади.

Хозирги пайтда, унумдорлигини ошириш мақсадида кенг қамровда асфалт ётқизгичларни яратиш устида иш олиниб борилмоқда. Автосамосвалларда етказилиб берувчи асфалт-бетон масса ётқизиш бункерига бўшатилади, сунг туйдиргичлар билан массани бир текисда копламанинг бутун эни бўйлаб тақсимловчи шнекка ўзатилади. Шундан сўнг асфалт-бетон дастлаб шиббаловчи брус билан зичланади ва силикловчи плита билан текисланади. Батамом зичлаш моторли катоклар (ғалтак машиналар) билан амалга оширилади.

Қабул бункери асфалт ёткизгичнинг олд қисмига жойлашган. Унинг тубида иккита пластинкасимон туйдиргичлар жойлашган. Туйдиргичлар асфалт-бетон қоришмани бункердан иккита таксимловчи шнекларга узатадилар. Туйдиргичларнинг ҳаракатининг тезлиги ёткизгич ҳаракатининг тезлигига мослаштирилган.



25-расм. Catarpellar AP 600 маркали асфальт ёткизгич машинаси, асфальт қабул қилувчи бункери

Туйдиргичлар билан шнекка ўзатилаётган қоришма миқдорини тартибга солиш учун қопқоқлар хизмат қиласи.

Шнеклар асфалтбетон қоришманинг қопланаётган полосанинг эни бўйлаб бир текисда тақсимлаш учун хизмат қиласи. Унг туйдиргич ва шнек чап томондигилар қатъий назар ҳаракатга келтирилади. Шнеклар ишлатилишининг сони ёткизгич ҳаракати тезлигига боғлиқ холда белгиланади.

Асфалт ёткизгичларнинг ишчи ҳолати. Ўзи юрар асфалт ёткизгичларда зичловчи ишчи орган сифатида «брус-плита» системасини қўллайдилар.

Брус ва плитанинг ўзаро жойлашувига кўра булинган ва булинмаган системалар, плиталарнинг иш ҳаракатига кўра эса тургун ҳаракат ва тебранма ҳаракатли плитали системалар фарқланади. Асфалт ёткизувчи ҳаракати юналишига перпендикуляр юналишдаги горизонтал текисликда тебранувчи брус силкинувчи брус бед аталади.

Вертикал текисликда тебранувчи брусли шиббаловчи брус деб аталади. Ўзи юрар асфалт ёткизгичларда шиббаловчи брус ва силиқловчи брусли ишчи органла кўпроқ қўлланилади.

Брус ёткизилаётган қатламни дастлабки зичлаш ва уни пастки кирра ёрдамида профиллаш (қиялаб текислаш) га мўлжалланган.

Асфалт ёткизгичларнинг барча замонавий моделларида шиббаловчи брус экссентрикли валининг гидравлик юргичи қўлланади. Гидравлик юргич механик юргичдан анча фарқ қиласди: у кинематика бўйича анча содда, механик юргичдан эса анча енгил. Бундан ташқари гидроюргич шиббаловчи бруснинг тебраниш частотасини бепогонаа тартибга солиш имконини таъминлайди, бу эса ўз навбатида иш шароитларини (ёткизилаётган материал тури, қатлам қалинлиги ёки асфалт ёткизгич ҳаракатининг тезлиги) ўзгарганда энг яхши режим танлаш имконини беради.



26-расм. **Catarpellar AP 600 маркали гусенициали юргичли асфальт ёткизгич машинаси**

Шиббаловчи брус ёрдамида дастлабги зичлаш афзалликлари қўйидагичадир: шиббаловчи брус қавариқ ва ўйиқларни тўғрилашда дастлабки зичлаш учун зарур микдордаги материални автоматик ўлчаб беради. Огик шиббаловчи брус аста сеқин қоришмани дастлабки максимал зичлик даражасига еткунча шиббалайди. Бунга эса плита қоплама устида сирғали бошлиш олдидан эришилади.

Асфалтбетон қопламаларини қуриш машиналари

Йўлнинг қурилиш материалларининг ўзи юрар кўп мақсадли тақсимлагичи тўртта алмашувчи ишчи қисмга эга бўлган универсал машина бўлиб, автомобил

йўллари, майдонлар ва шахар кўчаларини қуриши ва таъмирлашда сement ва битум билан махкамланган тошли материаллар (чакик тош ва шағал) ва тупроқли қоришмаларни бир меййорда тақсимлаш ва дастлабки зичлаш қум ҳамда турли хил битумнинг минерал қоришмалари (қора чачик тош, шағал, сулфат бетон) ни ёткизиш учун мўлжалланган.



27-расм. Catarpellar ap-735 чакик тош ёткизгич зичловчи машина

Чакик тош ёткизгичнинг ишчи органлари чакик тошли ва шағалли қопламаларни қуриш учун мўлжалланган. бунда машина икки бажарилишга эга: биринчи бажариш чакик тош ва шағални қумли асос бўйлаб, материалларни автосамосваллар ёрдамида ёткизилган қум қатлами бўйлаб етказиш йўли билан, тақсимлашда қўлланилади. бунда чакик тош ёткизиш ва машина ҳаракати факат зичланган ва намланган асос бўйлаб амалга оширилиши керак.



28-расм. catarpellar ap-734 маркаличакик тош ёткизгич зичловчи машина ишчи жихози

Иккинчи бажарилиш материаллари автосамосвалларда асос бўйлаб етказиб бериш йўли билан қаттиқ асос бўйлаб тақсимлашда қўлланилади.

Асфалтнинг бетон қопламаси ҳамда бошқа битум-минерал қоришмали қопламалар учун асфалт ёткизгич учун ишчи органи хизмат қиласди. Енгил типдаги қоплама қурилиши, шунингдек сement ва битум билан мустахкамланган асос учун тупроқ ёткизгич ишчи органи хизмат қиласди.

Тақсимлагич бир нишабли ёки икки нашабли профилга эга бўлиши, шунингдек материални кўндаланг нишабсиз ётқизиш имконини беради. Тақсимлагич рамасига бункер, гусенитсали юргич, трансмиссияли двигател, бошқарувли кабина ўрнатилган тягач ҳамда қуидаги тиркаш ишчи органлардан иборат.

Тягач рамаси машинанинг барча ўзел ва агрегатларини махкамлаш учун мўлжалланган. гусенитсали юргич иккита, яъни унг ва сул кўптиргакли гусенитсали аравачалар кўринишида бажарилган бўлиб, улар машина рамаси билан қаттиқ уланган. бункер шиберли копқоқ ва ёнбошли олд ва орқа деворлардан ташкил топган бўлиб қопқоқ ва ёнбошлар пардаларда гидроцилиндрлар ёрдамида ўгирилади. Трансмиссия таркибига энергия билан таъминлаш ва совитиш тизимли Д-37е-с1 двигатели улаш муфтаси, Т-40 тракторининг орқа кўприги ва энг сунги ўтказгичлари, гусенисали юргич узатмаларига занжирли ўтказгичли йондама редукторлари, насос узатмаси редуктори киради. кабина икки эшикли ва чор атроф кузатиладиган бўлиб, тўртта ойна тозалагич, вентилятор ва орқани кўриш кўзгуси билан таъминланган.

Чакик тошни қумли асосда тақсимлаш ва бажаришдаги чакик тош ётқизгичнинг ишчи органи билан монтаж қилинган машина ёрдамида амалга оширилади. Ишларни бажаришдаги чакик тош ётқизгичнинг ишчи органи рама, текисловчи бруслар, виброплиталар, тўшама, қумли асосда ишлаганда самосваларнинг чиқиш учун мўлжалланган траплар ва тахтасуналардан иборат.

Иш пайтида самосвал трапларга зичланган қатлам томонидан орқаси билан юриб чиқади ва чакик тошни қабул бункерига тақсимлагичнинг ҳаракатсиз ҳолатида тўқади. самосвал юкни тўкиб, траплардан юриб тушган,таксимлашни яна давом эттириш мумкин. чакик тошни ҳамда қумни қаттиқ асосда тақсимлаш ии бажарилишда монтаж қилинган машина воситасида амалга оширилади.

Асфалтбетон қоришмасини таксимлаш асфалт ётқизгичнинг ишчи органи билан монтаж қилинган машина ёрдамида, тупроқи сement ва тупроқли

битумни тақсимлаш эса тупроқ ёткизгичларнинг ишчи органи билан монтаж қилинган машина ёрдамчидаги амалга оширилади.

Иш бажарилишдаги асфалт ёткизгич ва чакик тош ёткизгичнинг ишчи органлари қуйидагилар: рама, плуг туридаги ағдаргич, шиббаловчи брус, силликловчи таячн плитаси, факат чакик тошни ёткизгичда қўлланиладиган виброплита, транспорт ғилдираклар ва иситиш тизими (асфалт-бетон ёткизгичларда).

Тупроқ ёткизгичнинг ишчи органи рама, плуг туридаги ағдаргич, зичловчи вибробруслари, зинапоя, тушама, ва сирғанувчи формалардан иборат.

Иш пайтида самосвал шиналари билан тиргович роликларга теггунча орқаси билан юриб келади ва кўзовини кўтариб материалларни қабул бункерига тўқади. Бункерни тўлдириш тақсимлагични тухтатмай туриб олиб борилади, бунда тақсимлагич тиргович роликлари билан самосвални ўз олдида итариб боради ва бу билан ўзлуксиз иш жараёнини таъминлайди. Хар қандай холларда тақсимлагичнинг ҳаракати мобайнида материал бункердан плуг туридаги ағдармага келиб тушади, ағдарма эса материални ёткизилаётган ернинг бутун эни бўйлаб бир текисда тақсимлайди ва бир пайтнинг ўзида қоплама маълум қалинликда бўлишини таъминлайди. Ағдаришга келиб тушаётган материал миқдори бункер қопқоқлари қай даражада очилганлигига боғлиқ. ағдарма чегарасидан чиққанда чакик тош ва қум шиббаловчи брус ва иш бажаришдаги виброплиталар билан асфалтбетон шиббаловчи брус билан, тупроқли қоришмалар эса вибробруслари билан зичланади.

Шиббаловчи брус иккита пайвандланган куйма деталдан иборат; унинг пастига болтлар билан пичоқ махкамланган. шиббаловчи брус силликловчи плитаси билан эксцентрикли вал, бир маромда ҳаракатланувчи бугин, кронштейн, қистирмалар тўплами орқали боғланади.

Виброплиталар вибраторлар билан биргаликда осма илгак орқали силликловчи плитаси билан боғланади. Виброплиталар факат чакик тош ёткизишида ишлатилади. Асфалтбетон ёткизилганда улар ечиб олинади. иш ҳолатида вибраторлар ва виброплиталар зичланадиган чакик тош устида эркин

ётади, транспорт ҳолатида эса виброплиталарни кўтариш механизми ёрдамида кўтарилади.

Иш бажаришдаги асфалт ётқизгичларнинг вибраторлари ва шиббаловчи брусининг ўзатмаси гидромотордан пона қайишли утказгич воситасида оралиқ тиргак орқали шиббаловчи брус ўзатмасининг экссентрикли валига ҳамда гидромотордан виброплиталар вибраторларнинг утказмасига амалга оширилади.

Тупроқ ётқизгичнинг ишчи органи пайвандлаш конструксиядан иборат рамага эга булиб, қолган барча йигма бирликлар шу рамага махкамланади. рама тягач билан олд тиргаклар ёрдамчидан бирлашган. рамага ағдарма, шиббаловчи брус, сиргалувчи форма ва шиббаловчи брус ўзатмаси махкамланган. сирғанувчи формалар тупроқ ётқизгични ишчи ҳолатда тираш учун хизмат килади. шиббаловчи вибробрус тупроқ қоришимларини шиббалашга хизмат килади ҳамда вибраторлар махкамланадиган вибробрусадан иборат бўлади. шиббаловчи вибробрус кронштейнлар, амортизаторлар ва винтлар орқали рама билан уланади. иш бажаришдаги чакик тош ётқизгичнинг ишчи органи пайвандли конструкция рамага эга бўлиб, бу рамага текисловчи брус, гидромотордан чиққан ўзатмали виброплиталар, ёнбош чеклагичлар кронштейнлар билан, виброплиталарни кўтариш механизмлари, таянч устунлар, траплар ва копқоқли олд плиталар махкамланади.

Текисловчи брус чакик тош қатламини тақсимлаш учун хизмат қилади. У алмашувчи пичоқлар ҳамда остки қисмида таянч плиталарга эга. виброплиталар тақсимланаётган материални дастлабан зичлаш учун хизмат қилади. траплар самосвални бункерни юклаш учун имкон берадиган даражада ишчи органга чиқиб бориш учун мўлжалланган. траплар йигма холда икки қисмдан иборат: осма траплар ва тахтасупалар. тахтасупалар ишчи органнинг рамасига ўрнатилади ва болтлар билан махкамланади. осма траплар бир томонидан илгаклар билан раманинг маҳсус кронштейнларида махкамланади, трапнинг бошки томони эса ётқизилган материал қатламига таянади ва машина ҳаракати пайтида унинг усти бўйлаб сирғанади.

1-боб бўйича хulosалар.

Йўл қурилиш машиналарини тузилиши ва вазифаларини тадқиқотлаш натижаларидан кўриш мумкинки, йўл қурилиш машиналарини юриш қисми уларни тўлақонли фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек ушбу машиналарда учраётган бузилишларни асосини ҳам айнан юриш қисмida учраётган носозликлар ташкил этиши аниqlанди.

Ер қазиш ва йўл қурилиш машиналари, тайёрлов ишларида ишлатиладиган машиналар, бульдозерлар, скреперлар, экскаваторлар, юклигичлар, йўлнинг қурилиш материалларини зичлашга мўлжалланган машиналар, асфальт ётқизгичларни энг замонавий моделлари таҳлил қилиб чиқилди.

2-боб. ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИГА ҚУЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАРНИ ЮРИШ ҚИСМИНИ ТАДҚИҚОТЛАШ

2.1. ЙҚМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари

Машиналар тузилиши вазифаси бўйича қазиш, бузиш текислаш, ажратиш ва бошқа шу каби иш жараёнларига энг мувофиқ тарзда жавоб берадиган бўлиши керак. Машинага қўйиладиган талаблар даражаси ва уларни сифат жихатидан бахоси фан-техника тараққиётига боғлик. Машина яратишда ва уни янгилашда конструктив, технологик, фойдаланиш талабларига, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий талабларга риоя қилиниши керакки, уларни бажарилиши машинанинг юқори сифатли бўлишини (иш унумдорлиги, ишончлилиги, узокқа чидаши эргономика ва бошқалар) таъминланиши зарур.

Конструктив талаблар – шундан иборатки, машина муайян иш шароитларида маълум вазифаларни бажара олиши, хозирги стандартларнинг кўрсаткичларига жавоб бериши, республикамиизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган машиналарнинг энг яхши намуналари қаторида туриши, унумли ишлаши, мустахкам бўлиши ва ишончли ишлаши керак.

Технологик талаблар – деталлар, йиғиш бирликлари ва умуман машинани таёrlаш оддий, қулайва арzonга тушишини кўзда тутади. Машинанинг тузилиши уни тайрлашда ва йиғишда илгор технологиядан фойдаланиш имкониятини бериш керак.

Фойдаланиш талаблари - шундан иборатки, машинадан фойдаланиш жараёнида унга техниковий хизмат кўрсатишда ва йиғиш бирликлари, агрегатлар ҳамда деталларни алмаштиришда қийинчиликлар бўлмаслиги кўзда тутилади.

Иқтисодий талаблар – машинанинг нархини ва ундан фойдаланишда кетадиган харажатларни иложи борича камайтириш. Машина режаланган

иқтисодий самарани беришни, уни яратишга ва жорий этишга кетган харажатларнинг тез қопланишини таъминлаши керак.

Ижтимоий талаблар – хавфсиз ишлашни ва хизмат қўрсатаётган ходимларнинг қулайишланини таъминлаш, ишловчиларни титрашдан, чангдан шовқиндан, хароратдан ва бошқа заарли таъсирлардан химоя қилиш, бошқариш ва назорат ўлчов асбобларининг қулай жойлаштирилиши, атрофни яхши кузатишни ва кам чарчашибни таъминлаш.

Йўл, қурилиш, ер қазиш машиналари бажарадиган ишнинг тури вазифаси, иш жараёнининг характеристики ва технологияси иш тартиби, юритмасининг тури қуввати (иш унумдорлиги), юриш қисми, универсаллиги, бошқариш системасининг турига қараб тавсифланади.

Вазифасига кўра - ташиш ва юклаш тушириш юқ кўтариш машиналари, ер қазиш машиналари, устунқозик, қотиш машиналари тош материалларини таёrlаш, ташиш ва ётқизиш машиналари, пардозлаш машиналари, дастаки машиналар ва х.к.

Ишлаш тартиби - бўйича даврий (циклик) ишлайдиган ва узлуксиз ишлайдиган машиналар бўлади.

Куч жиҳозлари бўйича – ички ёнув двигателидан ҳаракатга келтириладиган электрик гидравлик ва пневматик двигателлардан ҳаракатга келадиган машиналар бўлади.

Кўзгалувчанлик бўйича – стационар (муким), кўтариб юриладиган ва кўчма машиналарга бўлинади.

Универсаллиги бўйича – кўп мақсадларга мўлжалланган универсал машиналар ва ихтисослаштирилган машиналар бўлади.

Юриш қисмининг - турига қараб гусеницали, пневматик, рельсда ҳаракатланувчи ва одимловчи бўлади.

Йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларининг асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичлари қўйдагилардан иборат:

- иш унумдорлиги, маневрчанлиги, қўзгалувчанлиги, устиворлигидир.

Фойдаланишдаги иш унумдорлиги асосий иш параметри ҳисобланади, шу күрсаткич бўйича қурилишдаги узаро боғланган сермехнат жараёнларни комплекс механизациялаштириш учун машиналар комплекти танлаб олинади.

Иқтисодий самарвдорлик қурилишда янги машиналарни ишлатишдан келадиган фойдадан иборат, у солишириб қўрилаётган намуна машиналар ва қабул қилинган, варианtlарга нисбатан ишлаб чиқарилган махсулотлар бирлиги учун келтирилган сарфлар айирмасига teng бўлади.

2.2. Ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментлар.

Машиналар хар хил кучлар таъсирида ҳаракатга келади. Бу кучларни икки группага бўлиш мумкин: ҳаракатлантирувчи кучлар; унинг ҳаракатига қаршилик кўрсатувчи кучлар.

Тортиш кучи P_k ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, етакчи ғилдиракларга узатилади. Бу куч двигателдан олиниб, етакчи ғилдиракнинг ерга ишқаланиши натижасида вужудга келади.

Ҳаракатига қаршилик кучлари:

P_f - айланма-илгарлама ҳаракатга қаршилик кучи.

P_i - баландликка чиқишига қаршилик кучи;

P_ω - хавонинг қаршилик кучи;

P_{ia} - тезланишига қаршилик (инерция) кучи.

P_f - куч ғилдиракнинг айланма-илгарлама ҳаракатига қаршилик моментининг шу ғилдирак радиусига бўлинганига teng.

Ғилдиракли машиналарнинг доимий ҳаракатда бўлиши учун унинг тортиш кучи билан йўлнинг жами қаршилик кучи P_φ қўйдаги тенгизлиқ мавжуд бўлиши керак: $P_k \geq P_\varphi ; P_k \leq P_\Psi$

Машина сирпанмасдан, шатаксирамасдан ҳаракатланиши учун қўйдаги шарт бажарилиши керак:

$$P_\Psi \geq P \geq P_\varphi ;$$

Бу ерда: P_ψ - ғилдирак билан йўл ўртасидаги тишлишиш кучи.

Айланма-илгарлама ҳаракатга қаршилик кучи хар бир ғилдиракда пайдо бўлади ва қулайлик учун қийматлари тенг деб қабул қилинади.

Автомобилнинг баланбликка чиқишига қаршилик кучи P_i унинг оғирлик марқазига кўйилган ва автомобиль оғирлиги G_a нинг ташқил этувчиси каби аниқланади.

Инерция кучи P_{ja} автомобильнинг нотекс ҳаракати натижасида ҳосил бўлади.

Хавонинг қаршилик кучи P_ω йўл текислигидан h_ω баландликка қўйилган. Бу куч таъсир этувчи нўқта автомобильнинг елканли марапкази дейилади.

Айланма-илгарлама ҳаракатга қаршилик (ғилдирашга) коэффициент f :

$$f = \frac{\alpha_{fk}}{r_k}$$

Ғилдирашга қаршилик коэффициенти йўлнинг ҳолати, шинанинг конструкцияси (корд қатлами, корд ипларининг сони ва х.к.), шинанинг техникавий ҳолати, автомобильнинг тезлиги, шинадаги босим ва машинанинг ғилдирагининг ёнаки сирпанишига боғлиқдир.

Ҳаракатда йўллар асосан баландлик ва пастликлардан иборат бўлиб, йўлнинг қиялиги қўйдагича аниқланади:

$$i = \tan \alpha,$$

α - йўлнинг горизонтал текислик билан ҳосил қилган бурчаги;

$$P_i = G_a * \sin \alpha.$$

Хавонинг қаршилик кучи қўйдаги эмпирик формулада топилади:

$$P_\omega = \frac{k \cdot f \cdot v_a^2}{13}.$$

Ғилдиракли машинани ҳаракат тенгламасидаги етакчи ғилдирак уринма реакцияси X_2 нинг ўзгарувчан ҳаракат учун қиймати:

$$X_2 = P_2 - \frac{I_H \eta_T \cdot i_T^2 + I_k}{r_n^2} \cdot \gamma_a - P_{ia}$$

Филдиракли машина тезланиш билан ҳаракатланаётган вақтда бу коефициентларнинг максимал қийматлари қўйдагича бўлади:

- ✓ олдинги ўқ учун қайта тақсимланиш коефициенти 0,65 - 0,7
- ✓ кетинги ўқ учун 1,2 - 1,35

Филдиракли тракторлар учун тортиш кучи:

$$P_\kappa = \frac{M_{en} \cdot \eta_u^n \cdot \eta_k^m \cdot i_{Tp}}{(r_0 + Rh)}$$

бу ерда: M_{en} - maxMe;

η_u - Ф.И.К. бир жуфт цилиндрли шестерня;

η_k - конус жуфтлик Ф.И.К. ;

n, m - илашмада бўлган жуфтлар сони;

r_0 - филдиракни темир обода радиуси;

K - усадка коефициенти;

h - пневматик шинани баландлиги.

Гусеницали трактор учун :

$$P''_\kappa = \frac{Men \cdot \eta_{Tp} \cdot \eta_z}{r_z''}$$

бу ерда: η_z - занжирнинг Ф.И.К.;

r_z'' - бошқарувчи юлдузчани радиуси;


Олдинги филдирак етакчи бўлмаганда $i_{mp} = 0$; $P_\kappa = 0$, $X_I = -(I_\kappa / r_\kappa^2 * j_a + P_f)$.

X_2, X_I қийматлар автомобильнинг ҳаракат тенгламасига кўйилса ва $P_{f1} + P_{f2} = P_f$ ни ҳисобга олиб, баъзи бир ўзгаришлар киритилса, кучлар баланси тенгламаси қўйдагича ёзилади:

$$P_\kappa - P_i - P_f - P_{ja} - P_W = 0 \quad \text{ёки}$$

$$P_\kappa = P_i + P_f + P_{ja} + P_W.$$

Бу тенглама кучлар (*тортиши*) баланси тенгламаси дейилиб, графиги 29-расмда кўрсатилганидек тасвирланади. Бу графикда P_k нинг бир узатма учун ўзгариш чизиги кўрсатилган. Тенгламанинг ўнг томонидаги функцияларнинг қийматлари графикда кўрсатилади.



29- расм. Кучлар баланси графиги.

Ҳосил бўлган чизиқлар график усулда қўшилса, $P_\psi + P_w$ чизиги ҳосил бўлади. Унинг P_k чизиги билан кесишган нўқтаси (A нўқта) автомобилнинг максимал тезлик қийматини кўрсатади, P_{ja} ординатаси эса тортиш кучининг сарфланмаган қисми бўлиб, автомобилга тезланиш бериш учун зарур.

Кучлар баланси графиги автомобил текис ҳаракатининг динамик кўрсаткичларини аниқлаш учун керак. Максимал тезлик P_k ва $P_\psi + P_w$ чизиқлари кесишиш нўқтасининг абсциссалари билан аниқланади. Бу вақтда запас тортиш кучи бўлмайди ва тезланиш ҳам нолга teng. Агар P_k чизиги умумий қаршилик чизигидан пастда, яни $P_k < P_\psi + P_w$ бўлса (II – II кесим), автомобил фақат секиланиш билан ҳаракат қиласди.

Тортиш кучи P_k қўйдаги қаршиликларни енгишга кетади:

P_ϕ – йўлдаги айланма-илгарилама қаршилик;

P_L – баландликка чиқишдаги қаршилик;

P_j – тезланишга бўлган қаршилик;


P_ϕ – хавонинг қаршилик кучи;

P_{kp} – фойдали илгакдаги куч;

$P_\phi = Z_k \cdot a_u / r_k$ ёки, йўлни деформациясини ҳисобга олсак: $P_\phi = Z_k \cdot a_w / r_k$

$$\text{Бунда } a = a_{uu} + a_g \quad P_\phi = Z_k \cdot a / r_k$$

$f = a / r_k$ – ғилдирашга (качения) қаршилик коэффициенти;



Ғилдиракли машиналарнинг тортиш кучи ва тезлиги ўртасидаги боғланиш графиги;

$$P_k = f(V_a)$$

Эгри чизиқлар сони узатмалар сонига тенг.

Машина V_a_1 тезлик билан ҳаракатланаётганида P_i нинг қийматини топиш учун унинг унинг ординатаси масштабга кўпайтирилади. Бошқа кучлар қиймати ҳам шундай аниқланади.

Кучлар баланси графиги ёрдамида етакчи ғилдиракнинг шатаксирамаслик хоссасини текшириш мумкин. Тишлашиш коэффициентининг бирор қиймати учун $P_\phi = G_2 \cdot \varphi$ топилиб, 139 – расмда кўрсатилганидек горизонтал чизиқ утқазилади. $P_k < P_\phi$ шарти V_a_2 тезлигидан қатта, лекин V_a_3 тезлигидан кичик қийматларда бажарилади ва бунда ғилдирак шатаксирамасдан ҳаракатланади. $V_a_3 - V_a_2$ диапазонда $P_k > H_\phi$ бўлгани учун етакчи ғилдирак шатаксираб ҳаракатланади. Агар $P_k = P_\phi$ бўлса, яъни контрол нўқталар V_a_2 ва V_a_3 тезликларга тугри келса, автомобил нотургун ҳаракатда бўлади. Агар автомобил P_ϕ тишлашиш кучига эга бўлиб, унга пастки узатмалар кўшилса, $P_k >> P_\phi$ бўлгани учун автомобил ҳаракатланиш хусусиятини йўқотоди. Узатма тезликнинг ҳамма диапазонида ҳаракат қилиш учун дроссел-заслонкани бир оз ёпиб P_k нинг қийматини камайтириш керак.

Автомобилнинг ҳаракат тенгламасида ҳамма кучлар шартли равища мусбат қийматда олинган. Аслида, ҳаракатнинг характеристига қараб (тезланиш,

секинланиш, баландликка ёки пастликка ҳаракатланиш) P_i , P_{ja} кучлар автомобиль ҳаракатига ёрдам бериши ёки қаршилик қилиши мумкин. Шунинг учун автомобиль тезланиш билан баландликка ҳаракатланса $+P_i$, $+P_{ja}$, секинланиш билан пастликка ҳаракатланса $-P_i$, $-P_{ja}$ деб олинади.

2.3. Ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси.

Ғилдиракли машиналарнинг хар хил режимда ҳаракат қилишга таъсир қилувчи кучларга ва уларнинг йууналишига тезликнинг ўзгариш характеристи сабаб бўлади. Натижада машина тортиш лкчи таъсирида, тортиш кучи таъсир этмаганда эса тормозланиш кучи таъсирида ҳаракат қилиши мумкин.

Бу режимларнинг хар бирида машина текис тезланувчан ёки секинланувчан ҳаракат қилиши мумкин. Машинага юқори тезланиш билан ҳаракатланаётган вақтда унга таъсир этувчи куч ва моментларни йўл сатхиги проекциясини аниқлаймиз:

$$X_2 - X_1 - P_{ja} - P_j - P_w = 0 \quad (\text{ҳаракат тенгламаси})$$

Ғилдиракли машинанинг динамик хусусиятларини анализ қилиш ва унинг кўрсаткичларини аниқлаш учун етакчи ғилдиракка берилган тортиш қуввати ҳаракатланишга қаршиликларни енгиш учун зарур бўлган қувват билан таккосланади. Кучлар баланси тенгламасига ўхшашиб қувватлар баланси тенгламаси қўйдагича ёзилади:

$$N_k = N_i + N_f + N_{ja} + N_w$$

ёки

$$N_D = \frac{N_k}{\eta_r} = \frac{N_i}{\eta_r} + \frac{N_f}{\eta_r} + \frac{N_{ja}}{\eta_r} + \frac{N_w}{\eta_r} \quad (1)$$

Тенгламани ёйиб ёзсан, қўйдаги қўринишга келади:

$$N_k = \frac{G_a \cdot V_a \sin \alpha}{270} + \frac{G_a \cdot V_a \cdot f \cos \alpha}{270} + \frac{W \cdot V_a^3}{3500} + \frac{G_a \cdot V_a \delta_{ep} \cdot j_a}{270g} .$$

Аввал (1) тенгламанинг график ечимини машина бирор узатмада ҳаракатланаётган хол учун қўриб чиқамиз. N_d - V_a координаталар системасида двигател эффектив қувватининг N_d графигини кўрамиз.

Филдиракли машинанинг назарий ёки тажриба йўли билан аниқланган динамик кўрсаткичлари унинг айрим шароитдаги ҳаракатлари учун мосдир. Масалан, йўл тугри ва текис бўлса, унинг умумий каршилиги Ψ ўзгармайди, ҳаракатни ўзгартирувчи тусиклар учрамайди. Филдиракли машинанинг ҳисобланган динамик кўрсаткичлари унинг энг юқори имкониятларини аниқлади. Филдиракли машинани ҳисоблаш натижасида ва тажриба йўли билан аниқланган динамик кўрсаткичлари бир-биридан анча фарқ қиласи. Бунга филдиракли машинанинг техникавий ҳолати ва ишлаш шароитининг ўзгариши сабаб бўлади.

Филдиракли машинанинг техникавий ҳолати деб, унинг транспорт ишини бажаришига тайёрлиги, яъни механизм, агрегат ва приборларининг техникавий эксплуатация қоидаларида кўрсатилган нормалларга мувофиқлиги тушунилади. Филдиракли машина узок вақт ишлатилганда деталларнинг ейилиши, созининг ўзгариши ва х.к. лар унинг техникавий ҳолатини ёмонлаштиради, натижада филдиракли машинанинг эксплуатацион хусусияти ўзгаради. Поршень группаси деталларининг ейилиши, клоапанларнинг уз ўрнига жипс урнашмаслиги, ёнилги ёндириш пайтининг нотугри бўлиши ва х.к. лар двигател қувватининг камайиб кетишига сабаб бўлади. Масалан, ёндириш пайти кечикса, двигателнинг қуввати анча камаяди. Агар ёндириш пайти жуда илгарилаб кетса, двигателда детонация бошланади. Двигател қувватининг ўзгариши филдиракли машина тортиш динамикасини ёмонлаштиради.


Эксплуатация даврида филдиракли машина шассисининг техникавий ҳолати ёмонлашади, механизмлар сози тез бузилади. Масалан, бош узатма подшипниклари қаттик қотирилган бўлса ёки конуссимон шестерняларнинг

тишлашиши нотугри бўлса, трансмиссиядаги ишкананишни енгишга сарф бўладиган энергия қатта бўлади, ғилдиракли машинанинг динамикаси ёмонлашади. Тормозларнинг ёки олдинги ғилдиракнинг якинлашуви нотугри созланса, динамик кўрсаткичлар пасаяди.

Ғилдиракли машина динамикаси ёмонлашганда унинг пухта ишлаш вақти, максимал тезлиги ва тезланиш кобилифти пасаяди. Капитал ремонт қилинган автомобилнинг максимал тезлиги 10-12% камаяди: максимал тезликка эришиш учун тезланишга сарф бўладиган вақт янги автомобилдагига нисбатан 25-30% кўп бўлади.

Ғилдиракли машина эксплуатацион хусусиятининг ёмонлашишига сифатсиз ёнилги ва мойнинг ишлатилиши сабаб бўлади. Сиқиш даражаси катта бўлган двигателларда кичик октан сонли бензин ишлатилса, детонация содир бўлади, бу эса двигател қувватини камайтиради.

Бензин узоқ вақт ишлатилмасдан сакланса, унда смолалар пайдо бўлади ва у киритиш трубасида қаттик қатлам ҳосил қилиб ўтиш юзасини камайтиради.



30-расм. Автомобилнинг қувватлар баланси графиги.

Агар N_o нинг қийматидан трансмиссиядаги қаршиликни енгишга сарфланган қувват N_{mp} нинг қийматини олиб ташланса, етакчи ғилдиракдаги қувват N_k келиб чиқади. N_{mp} нинг қиймати тажриба йўли билан аниқланади ёки формула оркали ҳисобланади. Графикнинг пастки қисмида $N_w = f(v_a)$ ва $N_{\psi} = (v_a)$ чизиқлар кўрсатилади. $N_{\psi} = (v_a)$ нинг графигини чизишда $f = const$ деб

фараз қилинади. Сарфланмаган қувват $N_c = N_k - N_w$ ҳисобланиб, у йўл каршилигини енгиш ва автомобилга тезланиш бериш учун сарфланади. N_ψ ва N_c графигининг чизиқлари кесишган А нўқтада автомобиль максимал тезликка эришади. N_ψ нинг қийматини ошириб борилса, N_c га уринма бўлган Б нўқтани топиш мумкин. Бу нўқтада автомобиль критик $V_{a_{kp}}$ тезликка эга бўлади. Бундан ташкари, график ёрдамида хар бир қаршиликни енгиш учун сарфланган қувватни аниқлаш мумкин. Қувватлар балансининг графиги хар бир узатма учун кўрилса, узатмалар сонига қараб чизиқлар кўпаяди(30-расм,б). Бу расмдан кўриниб турибдики, автомобиль бир хил йўлдан хар хил узатмада ҳаракатланганда двигатель қувватининг ишлатилиш режими хар хил бўлади ва удвигатель қувватидан фойдаланиш даражаси И билан аниқланади.

Двигател қувватидан фойдаланиш даражаси деб, двигательнинг ғилдиракли машина текис ҳаракат қилиши учун зарур бўлган қувватининг дроссел- заслонка тула очик пайтидаги қувватига бўлган нисбатига айтилади:

$$I = \frac{N_\psi + N_w + N_{Tp}}{N_g} \cdot 100\%.$$

И нинг қиймати йўлнинг ҳолатига, автомобилнинг тезлигига, трансмиссиянинг узатиш сонига боғлиқ. Йўлнинг жами қаршилик коэффициенти ва ғилдиракли машинанинг тезлиги канчалик кичик ҳамда i_{tp} канчалик қатта бўлса, двигатель қувватидан фойдаланиш даражаси шунчалик кичик бўлади. Масалан, автомобил v_a тезлик билан III узатмада ҳаракатланса, **И** нинг қиймати худди шу тезлик билан автомобил II узатмада ҳаракатлангандаги двигател қувватидан фойдаланиш даражасидан юқори бўлади. Чунки III узатмада бир хил қаршиликларни енгиш учун сврфланган қувватнинг миқдори II узатмадагидан кам бўлади.

Автомобилнинг ҳаракат тенгламасидаги етакчи ғилдирак уринма реакцияси X_2 нинг ўзгарувчан ҳаракат учун қиймати:

$$X_2 = P_\kappa - \frac{I_h \cdot \eta_T \cdot i_{Tp}^2 + I_\kappa}{r_k^2} \cdot j_a - P_{i2},$$

Динамик характеристика графиги кўрсатилган камчиликлардан холи, яъни тортиш кучи билан хавонинг қаршилик кучи айрмасининг машинани оғирлигига G_a га нисбати автомобилнинг динамик фактори деб аталади ва у қўйдагича ифодаланади:

$$\varDelta_a = \frac{P_k - P_w}{G_a} = \frac{M_g \cdot \eta_T \cdot i_{Tp}}{F_k \cdot G_a} - \frac{W - V_a^2}{13 \cdot G_a};$$

\varDelta_a - нинг қиймати машинани конструкциясига боғлиқ ва уни хар бир конкрет модель учун аниқлаш мумкин. Кичик узатмаларда P_k нинг қиймати қатта ва P_w нинг қиймати кичик бўлганда динамик факторнинг қиймати қатта бўлади.

Тормозланиш системасининг эффективлиги автомобилни аниқ бошқаришни ва хавфсизлигини таъминлайди. Тормозланиш динамикаси тормозланиш вақти ва йўл каби параметрлар билан характерланади, шунинг учун бу эксплуатацион хусусият ҳаракат хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаракатдаги автомобилнинг кинетик энергияси E қўйдагича аниқланади:

$$E = \frac{mv_a^2}{2} = \frac{G_a}{g} \cdot \frac{v_a^2}{2} .$$

Агар оғирлиги $G_a = 1110$ кг бўлган ғилдиракли машинани $v_a = 100$ км/соат тезлик билан ҳаракат қилаётган бўлса, унинг кинетик энергияси $E = 43563$ кгм бўлади. Ҳаракатдаги ғилдиракли машинанинг кинетик энергиясини камайтириш учун тормозланиш системаси эффектив ва аниқ ишлаши зарур.

Тортиш балансидан қўйдаги тенглик маълум:

$$P_k = P_i + P_f + P_w + P_{ja} .$$

Тормозланиш даврида $P_k = 0$ бўлгани учун - $P_{ja} = P_\psi + P_w$ деб ёзиш мумкин. P_ψ , P_w лар қаршилик кучлари бўлиб, ғилдиракли машинанинг кинетик энергиясини сундириб уни тухтатади. Ғилдиракли машинани тормозланиши вақтида тенгламанинг янги ташқил этувчилари қўшилади ва қўйдаги қўринишда ифодаланади:

$$-P_{ja} = P_{\psi} + P_w + P_m + P_{m\delta} + P_{xx};$$

бу ерда P_m - ғилдиракли машинанинг тормозланиш кучи.

Бу тенгламада P_{ja} инерция кучи ғилдиракли машинани илгарилатишга, унг томондаги кучлар эса қарама-қарши йуналиб, уни түхтатишга интилади. Демак, тормозланиш механизмидан ташқари йўлнинг умумий қаршилик кучи P_{ψ} , шамолнинг қаршилиги P_w , двигателдаги ишқаланиш кучи $P_{m\delta}$ ва трансмиссиянинг нагрузкасиз айлантириш учун сарфланган куч P_{xx} ғилдиракли машинани тухтатишга ёрдам беради.

Автогрейдерлар. Автогрейдерлар грунтни текислайдиган ва унга шакл берадиган узи юрар машина бўлиб, уларнинг иш жиҳози пневмоғилдиракли юритиш ускўнасининг кетинги ва олд қўприклари орасига жойлашган, тула айланувчан пичокли ағдаргичдан иборат.

Автогрейдерлар конструктив массасига кўра енгил (9 т гача), уртacha(13 т гача) ва оғир (19 т гача) автогрейдерларга, А×Б×В ғилдирак формуласига асосан аниқланадиган ғилдирак схемасига кўра турларга бўлинади (бу ерда А – етакланувчи ёки бошқарувчи ғилдиракли уклар сони, Б – етакловчи ғилдиракли уклар сони ва В – умумий уклар сони).

Автогрейдерларнинг грунтни киркиш ва суришдаги иш унуми ($\text{м}^3/\text{соат}$):

$$P_s = 60 \cdot F \cdot L \cdot k_B / (L/v_{yp} + t_{kait})^n,$$

бу ерда F – бир утишда ҳосил бўладиган грунт қиркими қисмининг юзи; уртacha автогрейдерлар учун $F = 0,5 \dots 0,09 \text{ м}^3$; оғир автогрейдерлар учун $F = 0,07 \dots 0,12 \text{ м}^3$; L – ишлаш узунлиги, м; v_{yp} – автогрейдернинг утишлари сони; t_{kait} – уртacha бурилиш вақти.

Автогрейдер юриш ғилдиракларининг осмаси иш режимларида иш органи ерни сифатли текислаш учун бикр бўлиши лозим. Кетинги укларда ғилдираклар осмаси буйлама балансирларда бўлиб, бу машинани нотекис йўлда ҳаракатланаётганда унинг рамасига тушадиган динамик нагрузкаларни бартараф этиш ва ғилдиракларнинг грунт тишлишишини яхшилаш учун зарур.

Автогрейдерлар кетинги ғилдираклари ёки барча ғилдираклари етакчи қилиб ишлаб чиқарилади. Фақат кетинги ғилдираклари етакчи бўлган автогрейдерлар тузилиши содда, уларни тайёрлаш осон ва ишлатишга қулайдир. Улар иш унуми жихатидан, шунингдек, барча ғилдираклари етакчи бўлган автогрейдерлардан қолишмайди.

Барча ғилдираклари етакчи бўлган автогрейдерларнинг асосий афзаллиги шундаки, улар утиш қийин йўл участкаларидан юра олади. Уларнинг юриш қисми грунтга машина массасини узи оркали узатувчи олтига ғилдиракли олдинги ва кетинги қўприклардан тузилган. Етакчи ғилдираклар ер ишларини бажариш, шунингдек, автогрейдерларнинг юк ортиб ҳаракатланишида тортиш кучини ҳосил қиласди. Кетинги туртта ғилдирак бошқарилмайди, олдинги иккита ғилдирак бошқарилади. Айланма ҳаракат ва буровчи момент бош узатма редукторларидан балансирнинг етакчи шестерясига узатувчи ярим уклар эгувчи моментдан ярим озод ёки бутунлай озод қилиб ишланади.

Ҳаракатланувчи аравачалар ғилдиракларга айланма ҳаракат ва буровчи моментни узатиш схемаси баъзи элементларининг тайёрланиши жихатидангина фарқ қиласди.

Отвални кўтариш, тушуриш ва четга чиқариш механизми отвални иш ёки транспорт ҳолатига ўрнатиш, шунингдек, киркиш чукўрлигини ўзгартиришга хизмат қиласди. У отвални вертикал бўйича зарур ҳолатга ўрнатиш учун иккита ва отвални четга чиқариш учун битта гидроцилиндрдан иборат. Гидроцилиндрлар корпуси ричаг ва асосий рама кронштейнига махкамланган. Цилиндр штоклари тортиш рамаси билан шаравий цапфалар воситасида уланган. Тортиш рамаси асосий рамага хажмдор шаравий таянч билан махкамланган.

Иш органлари гидравлик бошқариладиган енгил ва уртacha автогрейдерларда отвални зарур ҳолатга ўрнатиш гидроюритма билан ва қисман кўлда бажарилади.

Автогрейдернинг қўшимча иш органлари: қирқовшчик (юмшатгич) ва бульдозердир.

Қирқовшчикдан зичланиб қолган грунтни юмшатиш ва шағал-чақиқ тошдан иборат қопламаларни ремонт қилишда, уларни бўшатиб чиқишида фойдаланилади.

Ўртача ва оғир автогрейдерларда кирковшчик ўрнига бульдозер ўрнатиш мумкин. Бульдозер кирковшчикни кўтариш ва тушуриш механизми ёрдамида бошқарилади. Енгил автогрейдерларда бульдозер отвали осмаси бульдозер отвали билан бирга асосий раманинг олдинги қисмига шарнирли осилган маятник ёки параллелограмм шаклидаги конструкцияларни хар хил қилувчи звенолардан ясалади.

Отвални қияликларга ишлашга мослаб ўрнатиш.

Отвални кўтариш гидроцилиндрлари ричаглари ва қиялик грейдер юриши буйлаб унг томондан киркишда чиқарма тортиш рамаси гидроцилиндрларининг ҳолатлари:

қиялик бурчаги 90° бўлганда;

- ўнг ричаг вертикалга нисбатан (соат стелкаси ҳаракати буйлаб) 35° бурчак остида ўрнатилади;
- чап ричаг 180° бурчак остида ўрнатилади;
- тортиш рамасини четга чиқариш гидроцилиндри дастлабки ҳолатга ўрнатилади.

қиялик бурчаклари 40° ва 90° гача бўлганда:

- ўнг ричаг тахминан 65° бурчак остида ўрнатилади;
- тортиш рамасини четга чиқариш гидроцилиндри кронштейннинг энг чекка шаравий бармогига осилади.

Қиялик бурчаги 0 дан 40° гача бўлганда отвалнинг тўла иш узунлигидан фойдаланиб бўлмайди.

Отвални транспорт ҳолатига ўрнатиш учун қўйдагиларни амалга ошириш керак:

- осиш системасини дастлабки ҳолатга келтириш;
- тортиш рамасини асосий рамага такалгунча кўтариш;
- отвални шундай буриш керакки, унинг учи бевосита олдинги ғилдирак олдида жойлашсин;
- тортиш рамасини шундай тугрилаш керакки, пичокнинг киркиш кирраси горизонтал текисликка параллел бўлсин.

Гидравлик бошқариладиган оғир ДЗ-98 автогрейдерларда киркиш бурчагини ўзгартиришдан бошқа барча операциялар кабинадан чикмай бажарилади.

ДЗ-14 автогрейдер механикавий тупроқли ва шағалли йўлларни ва аэродромларни кўришда, оғир тупроқли йўлларнинг ёнларидан чиқсан тупроқларни бир жойга тўплашда, майдончаларни текислашда ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаришда ишлатилади.

Автогрейдерларда хар бир иш тури учун отвалнинг максимал иш унумига эришилладиган оптимал вазияти бор. (2-жадвал)

Автогрейдер отвалининг тавсия этиладиган ўрнатилиш бурчаклари

Иш тури	Бурчаклар, градусларда		
	камраш	Киркиш	Уз узунлиги бўйича отвалнинг огиши
Казишда:			
плуг билан юмшатилган ер	30 гача	40 гача	11 гача
кирковшчик билан	35 гача	40 гача	13 гача
юмшатилган ер	45 гача	35 гача	15 гача
Юмшатилмаган, енгил тупрокли ер			
Грунтни суриш билан бирга уни текислашда:	40 – 45 35 – 45	35 гача 40 – 50	11 гача 13 гача

оғир тупроқли ер			
енгил тупроқли ер	45 – 55	40 – 50	18 гача
Айрим ишларда:	55 – 90	40 – 60	3 гача
текислаш	60 - 65	35	70 гача
шиббалаш билан бирга			
текислаш			
қияликларни кесиш			

2.4. Экскаваторнинг статик ҳисоби.

Ҳисобий ишлар экскаватор турғунлик шартлари ва қазиша, бурилишда ва қўзғалишда босимни аниқлашдан иборат. Тўғри куракли экскаватор учун ағдариш ҳолати қўйдаги ҳолат учун текширилади:

Олдинга қараб ағдарилиш ҳолати қулоч горизонтга нисбатан $d_c=35-40^\circ$ бурчак остида этилган, дастак горизонтал ҳолатда ва узи юришнинг 2/3 нисбатида сурилган, чўмич грунт билан тулган.

Мувозанат шартидан $\sum m_B = 0$:

$$\boxed{q_{np} \cdot l_1 + q_{k+r} \cdot l_2 + q_p \cdot l_3 + q_c \cdot l_4 + q_n \cdot l_5 - q_{k+r} \cdot r = 0},$$

бу ерда q_{np} - посанги массаси, кг;

q_{k+r} - грунт билан тулган чўмич массаси, кг;

q_p, q_c, q_n - дастак, қулоч, бурилиш платформа массаси;

l_1, l_2, l_3, l_4, l_5 - таъсир куч елкалари, м.

r - платформа бурилиш доираси радиуси, м.

Орқага, яъни кетинга ағдарилиш ҳолати қулоч горизонтга нисбатан $\alpha_c = 55 - 60^\circ$ бурчак остида эгилган дастак вертикал ҳолатда, чўмич грунтсиз ҳолатда қулоч кафтида жойлашган ва грунтга таянади.

Моментлар тенгламасидан: $\sum Ma = 0$:

$$\boxed{q_{np} \cdot l_1 + q_{k+r} \cdot l_2 + q_p \cdot l_3 + q_c \cdot l_4 + q_n \cdot l_5 - q_{k+r} \cdot r \cdot \sin(\alpha_c) = 0}.$$

Қабул қилинган посанги массаси қатталиги қуйдаги ифодадан q_{np} ф топилади.

$$q_{np2} < q_{np} \cdot \Phi > q_{np1}$$

Қайтма күракли экскаватор учун олдинга ағдарилиш ҳолати қуйдагича қаралади: қазилаётган жойдан чўмич чиқди, юклаш учун бурилишнинг бошланиши. Кетинга ағдарилиш ҳолатида: дастакнинг максимал чиқишида чўмич ерга туширилган, унинг массаси тулик грунтга тушади, платформага эса дастак ва қулочларнинг ярим массалари тўлиқ грунтга тушади, платформага эса дастак ва қулочларнинг ярим массалари тушади, хар иккала ҳолат учун А ва В укка нисбатан куч моментлар тенгламаси тузилади. Драглайн ишчи курилмали экскаваторлар учун посонги массаси худди туғри курак учун ҳисобланганидек топилади. Олдинга ағдарилиш ҳолатини текширишда юклangan чўмич кўтарилади, қулоч эса горизонтга нисбатан $\alpha_c = 30^\circ$ эгилган. Кетинга ағдарилишда - чўмич грунтга $\alpha_c = 45 - 50^\circ$ ҳолатда туширилган.

Ишчи қурилмаларини алмаштириш туридан қатъий назар экскаватор тургунлиги кучлар муносабатидан аниқланади яъни энг ноқулайшароитларда экскаваторнинг қазиш ҳолатида грунтнинг максимал каршилиги қатта бўлади.

Туғри кўракнинг турғунлик ҳолати 2 та ҳолат учун текширилади. Биринчи ҳолатда: бурилиш платформа уки юриш қисми укига перпендикуляр, дастак тулик чиқиш учун чузилган, чўмич грунт билан тулган, қулоч эса горизонтга нисбатан $\alpha_c = 35-40^\circ$ га эгилган, иш горизонтал текисликда амалга ошаяпти.

Ишчи турғунлик коэффициенти қуйдаги формуладан топилади.

$$K_y = \frac{\sum M_y}{\sum M_o},$$

бу ерда $\sum M_y$ - экскаваторни ағдариш ҳолатидан сақловчи куч моментлар ефиндиси.

$\sum M_0$ - экскаваторни ағдарувчи куч моментлар ефиндиси.

Мувозанат кучлар тенгламасидан А нүктага нисбатан экскаваторни ағдарувчи кучлар учун қыйдагига эга бўламиз:

$$K_y = \frac{q_x r + q_{np}(l_6 + r) + q_n(l_5 + r)}{q_c(l_6 - r) + q_p(l_3 - r) + q_{x+r}(l_2 - r) + P_{02}(l_1 - r)}.$$

Шу билан бирга аниқ бир ҳисобий иш ўтқазиш зарур.

Бунда асосий юкланишлардан ташкари, динамик ва шамол кланишларини олиш зарур. Бу ҳолатда турғунлик захира қатталиги 1,5 дан кичик бўлмаслиги керак. Кўтариш ва тушишнинг максимал қиялиқда шамол босимини ҳисобга олган холда экскаваторни ҳаракатлантириш шартини кўриб чиқамиз: дастак вертикал ҳолатда; чўмич эса ҳаракат йуналиши томон бурилган; кўтарилишда $\alpha_c = 50 \div 60^\circ$; кия ҳолатда $\alpha_c = 35 \div 40^\circ$.

Шамол таъсир кучи қуйдагича аниқланади:

$$\Sigma_B = pF;$$

бу ерда p - солиштирма шамол юкланиши, $0,25 \text{ кН}/\text{м}^2$ деб қабул қилинади;

F - қулоч ва хайдовчи хонасига таъсир этувчи шамол таъсир юзаси.

Қайтма курак турғунлиги икки ҳолат учун текширилади.

Биринчи ҳолатда - фараз қиламиз қазилаётган чукӯрдан чиқаётган чўмич енгиб ўтиши қийин бўлган тўсиққа дуч келади. Бунда тортувчи чиғириқ (барабан) тухтатилган, двигателнинг барчам қуввати ишчи кўрилмаларни кўтаришга сарфлайди.

Иккинчи ҳолатда - фараз қиламиз, ёпишкок грунт чўмичнинг максимал чиқишидан сунг бушатилади.

Драглайн турғунлиги бурилган холда юклашдаги вазиятида текширилади: бурчак $\alpha_c = 25 \div 30^\circ$; чўмич грунт билан тулган ва қулоч бошига чузилган, экскаватор $3 \div 5^\circ$ калинликда ишлайди.

Драглайн турғунлик коэффициенти:

$$K_y = \frac{M_r + M_{np} + M_x - M_c - M_c^4}{M_{k+r} + M_{k+k}^4 + M_w},$$

бу ерда M_r - бурилиш қисми оғирлик кучидан ҳосил бўлган момент, кН;

M_{np} - посонги оғирлик кучи моменти, кН;

M_x - бурилмайдиган платформа ва юриш қисми оғирлик кучидан пайдо бўлган момент, кН;

M_c - қулоч оғирлик кучи моменти, кН;

M'_c - қулоч инерция моменти, кН;

$M_{\kappa+r}$ - чўмични грунт билан биргаликдаги оғирлик моменти, кН;

$M'_{\kappa+r}$ - грунт баландлиги инерция моменти, кН;

M_w - шамол юкланиш моменти, кН.

Эксаваторнинг статик ҳисобида грунтдаги солиштирма босим текширилиб ва рухсат этилгани билан таккосланади. Агар максимал босим рухсат этилган юкланишдан ошиб кетса, уз ҳолатига қайтариш зарур.

Эксаватор хужжатида кўрсатилган гусеницаларнинг грунтдаги уртacha солиштирма босими қўйдаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{cp} = \frac{G}{2bc}$$

бу ерда G - оғирлик марқазидан утувчи, грунтга узатувчи, барча вертикал кучларнинг тенг таъсир этувчи, Н,

b - гусеница тасмаси эни,

l - таянч гусеница тасма узунлиги, мм.

Харакатланувчи (Юрвчи) қурилмалар остига эксцентрик - қўйилган юкланишда, икки гусенициали тузилмалар учун (конструкциялар учун) максимал босим қўйдагича аниқланади:

$$P_{max} = \frac{2G_h}{3b(0.5l - e)} ;$$

бу ерда G_h - грунт сиртининг меёрий ташкил этувчиси, Н;

e - кўйилган кучлар эксцентриситети G_h , м.

Эксаваторни ишлатилиши ва массага боғлиқ холда грунтдаги уртacha босим: 0,00 - 0,25; буш грунтларда ишловчи машиналар учун 0,035 мПа бўлиши керак.

2.4.1. Экскаватор тортиш кучини ҳисоби.

Гусеницали экскаваторнинг тортишиш кучи мувозанат тенгламаси қайдаги кўринишда бўлиши мумкин:

$$S_{max} = W_n + W_h + W_j + W_e + W_{eh} + W_{hyp},$$

бу ерда W_n - ҳаракатланишдаги қаршилик;

W_h - кўтарилишдаги қаршилик,

W_j - жойидан қўзгалишдаги қаршилик,

W_e - шамол қаршилиги,

W_{eh} - гусеникалар ички ишқаланиш қаршилиги,

W_{hyp} - бурилишдаги қаршилик.

Гусеницали ҳаракатланиш кўрилмаларини барча қаршиликларнинг бир вақтдаги таъсирини ҳисобий ишларга қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас масалан: бурилиш билан бирга юқорига кўтприлиш ёки баъзи холларда шамол қаршилигини ҳисобга олиш ва бошқалар.

1. Ҳаракатдаги қаршилик қайдаги ифода билан аниқланади, (кН):

$$W_n = f \cdot mg,$$

бу ерда f - тебраниш қаршилик коэффициенти.

2. Кўтарилишдаги қаршилик қайдаги формула билан топилади, (кН):

$$W_n = mg \cdot \sin \alpha,$$

бу ерда α - кўтарилиш йўли бурчаги.

3. Туриш жойидан қўзгалишда инерция қаршилиги қайдаги формула билан аниқланади, (кН):

$$W_j = Gv / gt_p,$$

бу ерда v - экскаватор ҳаракатланишининг илгарланма тезлиги, км/с;

g - оғирлик кучи тезланиши, м/с²;

t_p - хайдаш вақти, с.

Экскаватор ҳаракатланишининг уртача тезлиги $V = 1$ км/с ва $t_p = 3$;

$$W_j = (0,01 - 0,02)G.$$

4. Шамол қаршилиги қайдаги формуладан топилади:

$$W_e = 0,005 F(V \pm V_0)^2;$$

бу ерда V_0 - шамол тезлиги, км/с.

Амалиётда шамол қаршилиги фақат тез юрадиган экскаваторларда ҳисобга олинади, секин юрадиган экскаваторларда бу қаршиликни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, шамол каршилигини ҳисобга олиш мураккаб эмас ва уни экскаватор барча турлари учун киритиш фойдадан холи эмас.

5. Гусеница ичидаги ишқаланишдаги қаршилик кўп омилларга боғлиқ (занжирлар эгилиши, таянчлардаги қаршиликлар ва ҳоказолар). Тажриба йўли билан ўрнатилган, кН:

$$W_{\theta H} = (0,05 - 0,1)mg.$$

6. Бурилишдаги қаршилик қўйдаги формула билан аниқланади, кН:

$$W_{\theta \text{yp}} = \frac{\mu_n \cdot mg \cdot l}{4(B_r - \varepsilon)} ,$$

бу ерда μ_n - бурилишдаги қаршилик коэффициенти (бетон ва кўруқ зич грунт учун - 0,35; юмшоқ, нам грунт учун - 0,8);

l - таянчли гусеница тасма узунлиги, м;

B_r - гусеница уклари орасидаги масофа, м;

ε - гусеница тасмалари эни, м;

Двигател тортишиш кучи ва қувватининг максимал қиймати бўйича экскаваторнинг ҳаракатланиш тезлигини аниқлаш мумкин:

$$V = \frac{N_{\theta \varepsilon} \cdot \eta_x}{S_{max}}$$

бу ерда η_x - ҳаракатланувчи (юргизувчи) механизм ва юритма Ф.И.К. такрибан 0,6 - 0,7 га тенг.

Гусеницали юришдаги экскаваторнинг ишчи тезлиги 2,5 - 4 км /с дан ошмаслиги керак, тезликлар сони 2 тадан кўп қабул қилинмайди.

Хаво ғилдиракли экскаваторларда туртта тезлик бўлади.

Биринчи тезлик (0,9 - 1,2 км /с) - экскаваторни қазилаётган жойда ва қийин худудий йўллардаги ҳаракатланиб кучиб юриш шартидан аниқланади. Иккинчи тезлик - 15% гача бўлган кўтарилишни енгиш учун. Учунчи - урта ҳолатдаги йўл бўйича 7% гача бўлган кўтарилишларда, туртинчи - яхши

ҳолатдаги йўл учун 5% гача кўтарилишларда. Хаво филдиракли экскаваторларнинг ҳаракатланишидаги қаршиликни ҳисоблаш гусеницали юрвчи экскаватор қаршиликларига хос тарзда бўлади.

Экскаватор ҳаракатининг қатта тезликларидаги (40 км/с дан юқори) қаршиликларни ҳисоблашда шамол каршилиги ҳам ҳисобга олинади.

2.4.2. Экскаваторнинг кинематик ҳисоби.

Бажарувчи механизмларнинг ишчи тезликлари ва двигател валининг айланиш частотаси бўйича экскаваторнинг асосий механизмлари учун умумий узатмалар сонини аниқлаш мумкин.

Шундан сунг экскаваторнинг танланган тузилмавий-кинематик шаклига кўра кинематик звенолар орасидаги умумий узатмалар сонини тақсимлаш мумкин. Бунга паралел равишда узатма тури танланади. Двигател вали ва чўмич кўтарувчи лебедка чигириги (барабани) вали орасидаги умумий узатмалар сони қўйдаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$U_{кум} = \frac{\pi \cdot D_{\delta} n_{\partial\theta}}{60 \cdot V_n \cdot U_n},$$

бу ерда V_n - чўмични кўтариш тезлиги, м/с;

U_n - чўмич кўтарувчи полиспаст карралилиги (тугри кўрак учун $U_n = 2$).

Худди шундай муносабатлардан канат - блок юритмали механизмлар, кўтариш ва драглайн тиркамаси ва кайтма кўрак механизмлари умумий узатмалар сонини ҳисоблашда фойдаланилади.

Экскаватор бурилиш механизмининг умумий узатмалар сони:

$$U_{бур} = n_{\partial\theta} / 9,56 \omega_{max},$$

бу ерда ω_{max} - экскаватор платформасининг бурилишдаги қулай(оптимал) бурчак тезлиги.

Гусеницали юрвчи кўрилмалардаги узатмалар сони:

$$U_{rx} = n_{\partial\theta} / n_3,$$

бу ерда n_3 - гусеницадаги етакловчи юлдузчанинг айланиш частотаси, айл / мин:

$$n_3 = 1000V_3 / 60\pi D_3,$$

бу ерда V_3 - экскаваторнинг ҳаракатланиш тезлиги, км/соат;

D_3 - етакловчи юлдузча диаметри, м.

Филдиракли кўрилмалардаги узатмалар сони:

$$U_{kx} = \frac{S_{T \max} \cdot r_1}{M_{\partial \sigma} \cdot \eta_x},$$

бу ерда $S_{T \max}$ - максимал тортишиш кучи, Н;

r_1 - етакловчи филдирак куч радиуси, м;

$M_{\partial \sigma}$ - двигательни номинал айлантирувчи моменти.

2.5. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмида учрайдиган бузилишлар таҳлили

Йўл қурилиш машиналарини юриш қисмини – бу доимий юкланиш билан ишловчи таркибий қисмидир.

Юриш қисми йўл рельфига доимий мослашишни таъминлаш билан бирга динамик кучланишларни йўл қоплами буйича тақсимланиши ва машинанинг асосий таянчи ҳисобланади ҳамда асосий ейилишлар қузатилади. Шунингдек таянч механизмлардаги кичик бузилишлар асосий механизмларни қолаверса юриш қисмини тўлақонли ишдан чиқишига сабаб бўлади. Машиналарни хавфсиз ишлаши, турғунлиги ва бошқарувчанлиги айнан юриш қисмига боғлиқдир. Шунинг учун унинг носозликларини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Ушбу мақсадда, йўл қурилиш машиналарини юриш қисмига доимий равишда техник хизмат кўрсатишида унинг барча элементларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Машиналарнинг юриш қисмини диагностикалаш турли хил мақсадларда СХКСларда амалга оширилади.

Юриш қисмининг асосий носозликлари:

- етакчи ва етакланувчи филдираклар ва занжирли узатмаларни таянч катокларидаги ёриқлар ва шикастланишлар;

- гусеницани башмакларини тушиб қолиши;
- рессор, пружина ва османинг бошқа деталларни маҳкамланган қисмларни бўшаб қолиши;
- гусеница занжирини тарнглигини йўқолиши;
- шина ўлчамларини тушаётган юкланишга мос келмаслиги;
- шина хаво босимларни ўзгариши;
- шина протекторларини ейилиши ва шикастланиши;
- бир ўқдаги филдиракларда шина протекторларини хар хил ейилиши;
- филдирак билан ступица орасидаги маҳкамланишни бўшаши, бурилиш бурчакларини ўзгариши.

2-боб бўйича хulosалар

Йўл қурилиш машиналарига қуйилган талаблар ва уларни юриш қисмни тадқиқотлаш ишлари олиб борилда ва қуийдаги натижаларга эришилди.

1. Йўл қурилиш машиналарига бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари аниқланди.
2. Филдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментларни ҳисоблаш методларини энг мақбул усули танлаб олинди ишлаб чиқилди.
3. Филдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват балансини ҳисоблаш орқали юриш қисмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш усули таклиф этилади.
4. Экскаваторнинг статик ҳисобини бажариш орқали оптимал режимларни танлаб олиш тавсия этилади.
5. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмida учрайдиган бузилишлар тахлил қилинди.

З-БОБ. ЙҮЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ЮРИШ ҚИСМЛАРИНИ КИНЕМАТИК ВА ДИНАМИК ҲИСОБИ

3.1. Йүл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва турғунлиги ва динамик характеристикаси.

Филдиракли машинанинг берилган йуналишда турғун ҳаракатланиш кобилияти ва ҳаракат траекториясининг бошқариш органлари таъсирида аниқ ўзгариши, унинг бошқарилувчанлиги деб аталади.

Филдиракли машиналар тезлиги ва ҳаракат интенсивлигини ошиши хайдовчидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ғилдиракли машинанинг ҳаракат траекториясини ўзгартиришга доим тайёр бўлишини талаб этади. Филдиракли машинанинг бошқарилувчанлигига руль бошқармаси, осмаларининг кинематик ва конструктив параметрлари, шинанинг конструкцияси фаол таъсир қиласи. Филдиракли машинанинг бошқарилувчанлигига жуда кўп конструктив ва эксплуатацион факторлар таъсир қилгани учун унинг бу эксплуатуцион хусусиятини бир ўлчам билан аниқланади.

Ғилдиракли машинанинг олдинги ўқидаги ғилдираклари θ бурчакка бурилганда уларга таъсир қилувчи кучларни анализ қиласиз. Етакчи ўқ таъсирида бошқарилувчи ғилдиракларга итарувчи куч P таъсир қиласи. У иккита ташқил этувчига, ғилдиракнинг айланиш айланиш текислигига параллел P_τ ва перпендикуляр P_y кучларига ажралади.

P_τ куч ғилдиракнинг ғилдирашига қаршилик кучи P_{fI} енгишга сарфланади; яъни $P_\tau = P_{fI}$. Ёнаки таъсир этувчи P_y куч эса олдинги укни ён томонга силжишга мажбур қиласи, унга ғилдирак билан йўл ўртасидаги тишлашиш кучи P_ϕ қаршилик кўрсатади. Бу холда олдинги укнинг бошқарилиш шарти қўйдагича ифодаланади:

$$\bar{P}_{\phi I} \geq \bar{P}_{yI} + \bar{P}_{fI}$$

ёки қийматлари ўрнига кўйилгандан сунг,

$$\operatorname{tg} \theta \leq \frac{\sqrt{\varphi^2 - f^2}}{f};$$

бу ерда θ - олдинги ўқ ғилдиракларининг бурилиш бурчаги. Бу формула ғилдиракли машиналарнинг бошқарилувчанлигининг аниқловчи шартдир.

Формулада $\frac{\sqrt{\varphi^2 - f^2}}{f} = A$ деб белгилаймиз. Агар $\operatorname{tg} \alpha < A$ бўлса, ғилдиракли

машина бошқарилмайдиган, яъни сирпаниб ҳаракатланадиган; $\operatorname{tg} \alpha = A$ бўлса, ғилдиракли машина нотурғун мувозанатда бўлади.

Ғилдиракли машина бошқарилувчи ғилдиракларининг тебраниши унга қиймати ва йўналиши ўзгарувчан кучлар таъсирида ҳамда эластик элементларнинг мавжудлигидан содир бўлади. Ғилдиракли машина ҳаракати вақтида бошқарувчи ғилдираклар олдинги ўқ билан биргаликда вертикал йуналишда, руль трапецияси билан эса шкворень атрофида горизонтал текисликда тебранади.

Бошқарилувчи ғилдиракларнинг тебраниши ғилдиракли машинанинг нотекис йўлдан ҳаракати даврида шиналарнинг мувозанатда эмаслигидан, руль юритмаси ва олдинги османинг кинематикаси бир-бирига номувофиқлигидаш содир бўлиши мумкин.

Ғилдиракларнинг горизонтал текисликда мажбурий бурчак тебранишлари натижасида ғилдиракли машина ҳаракат йуналишидан четлашади ва агар тебраниш амплитудаси қатталashiб кетса, ғилдиракли машина учун хавф туғдириши ҳам мумкин, шина ва руль юритмаси деталларининг ейилиши ортиб кетади, ғилдиракларнинг ғилдирашига қаршилик кўпаяди.

Ғилдиракли машинанинг бошқарилувчанлигига кўпгина эксплуатацион факторлар таъсир қиласи. Бошқарилувчи ғилдиракларнинг бурилиш бурчаклари ўртасидаги боғланиш автомобил эксплуатацияси даврида олдинги ўқ ва руль юритмаси деталларининг ейилиши натижасида ўзгаради. Ғилдиракларнинг яқинлашуви руль трапецияси кўндаланг тортқисининг узунлигини ўзгартириб ростланади. Агар кўндаланг тортки деталлари бир хил узунликка эга бўлса, руль трапецияси симметрик бўлади ва ғилдиракларнинг

бурчаклари ўртасидаги боғланиш бурилиш йуналишига боғлиқ бўлмайди. Бошқарилувчи ғилдираклар руль ричаглари билан боғлиқ бўлгани учун ғилдираклар маълум бурчакка бурилса, руль ричаги ҳам шундай бурчакка бурилади. Шунинг учун руль ричаглари ўртасида ҳам ғилдираклардаги бурилиш бурчаклари ўртасидаги каби боғланиш сакланиб қолади.

Эксплуатация даврида ғилдирак бурилиш бурчаклари ўртасидаги боғланиш руль юритмасининг нотуғри созланиши натижасида бузилиши мумкин. Маълумки, бошқарилувчи ғилдиракларнинг якинлашуви ғилдиракларнинг ёнга оғиши натижасида шинанинг ейилишини бир оз камайтиради. Ғилдиракларнинг якинлашувини ростлашда руль трапецияси кўндаланг тортқисини узунлигини бўйлама ўқдан икки томонга бир хил ўзгартириш керак. Кўндаланг тортқининг фақат бир учи узайтирилганда ҳам ғилдиракларнинг нейтрал ҳолатидаги яқинлашув бурчаклари нормада бўлади, лекин ғилдираклар ўнг ва чап томонга бурилганда θ_e ва θ_h бурчаклари ўртасидаги боғланиш ўзгаради.

Ғилдиракли машинанинг бошқарилувчанлиги юриш қисми ва руль бошқармасининг техникавий ҳолатига ҳам боғлиқ. Шиналарнинг бирортасида босимнинг камайиши унинг ғилдирашига қаршилигини оширади ва кўндаланг бикирлигини камайтиради. Шунинг учун ғилдиракли машина босими кам шина томонга бурилишга интилади. Руль трапецияси ва шкворень бирикмаларидаги зазорлар қатталашса, ғилдиракларнинг тебраниши кучайиб, уларнинг йўл билан тишлашиши йўқолиши мумкин. Бундан ташкари, ғилдиракдаги дисбаланс ҳам унинг тебранишини кучайтиради. Дисбаланс, кўпинча, протектори янгиланган шиналарда учрайди.

Ғилдиракли машинанинг хайдовчи иштирокисиз берилган йуналишда ағдарилмасдан, сирпанмасдан, шатаксирамасдан ва ён томонга сурилмасдан ҳаракатланишига унинг турғунлиги деб аталади. Ғилдиракли машинанинг ағдарилиш ва сирпаниш йўналишига қараб кўндаланг ва буйлама турғунлик бўлади.

Филдиракли машина турғунлигини йўқотганда ағдарилиши, ён томонга сирпаниши, етакчи ғилдираклари шатаксираши мумкин. Филдиракли машинанинг кўндаланг турғунлиги қўйдаги тўртта кўрсатгич билан характерланади:

V_{a_3} - ғилдиракли машинанинг айлана бўйлаб ҳаракатланганда ён томонга сурила бошлаш пайтидаги максимал (критик) тезлиги, км/соат;

V_{a_0} - ғилдиракли машинанинг ҳаракатланганда ағдарила бошлаш пайтидаги максимал (критик) тезлиги, км/соат;

β_3 - ғилдиракли машинанинг ғилдираклари кўндаланг сурила бошлаган пайтда йўлнинг максимал (критик) нишаблик бурчаги;

β_0 - ғилдиракли машина ағдарила бошлаган пайтда йўлнинг максимал (критик) нишаблик бурчаги.

Филдиракли машинанинг ағдарилиши деб, олдинги ёки кетинги ғилдиракнинг йўлдан узилишига, яъни $Z_1 = 0$ ёки $Z_2 = 0$ бўлишига айтилади. Филдиракли машина олдинги ёки кетинги ғилдиракларга, чап ёки ўнг томондаги ғилдиракларга нисбатан ағдарилиши мумкин.

Филдиракли машинанинг кетинги ғилдиракларига нисбатан ағдарилишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун: а) ғилдиракли машинанинг бирлаштирган қисмларида зластик элементлар йук, яни система қаттиқ;

б) баландликка чиқишида ғилдиракли машинанинг тезлиги кам бўлгани учун $P_w = 0$;

в) ғилдиракли машинанинг ҳаракат тезлиги ўзгармас, яъни $v_a = const$, деб қабул қиласиз.

Филдиракли машиналарга А нўқтага нисбатан мувозанатлик шарти $\sum M_A = 0$

$$z_I L + P_w \cdot H_w + P_{ja} \cdot h_\partial + P_i h_\partial + P_f r_k - z b = 0, \quad (1)$$


бу ерда z_I - йўлнинг олдинги укга нормал реакцияси.

Филдиракли машина кетинги укига нисбатан ағдарилади дейилса, $z_1 = 0$ бўлади. Тенгламани tga нисбатан ечамиз:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{b - f \cdot r_k}{h_\delta} . \quad (2)$$

(2) формула ғилдиракли машинанинг кетинги ғилдиракка нисбатан ағдарилиши бўйича турғунлик шарти. формуладан кўриниб турибиди, ғилдиракли машинанинг ағдарилиши бўйича турғунлиги унинг b , r_k , h_δ конструктив параметрига ва ғилдиракнинг ғилдирашига қаршилик коэффициенти f га боғлиқ.

$\frac{b - f \cdot r_k}{h_\delta} = A$ деб қабул қиласиз. Агар $\operatorname{tg} \alpha = A$ бўлса, ғилдиракли машина нотурғун мувозанатда, $\operatorname{tg} \alpha > A$ бўлса, ғилдиракли машина кетинги ғилдирагига нисбатан ағдарилади, $\operatorname{tg} \alpha < A$ бўлса, ғилдиракли машина нотурғун ҳаракат қиласи.



31-расм. Ғилдиракли машинанинг олдинги ўқига нисбатан турғунлик шарти (2) га ўхшаш қўйдагича ифодаланади:

$$[] . \quad (3)$$

Ғилдиракли машинанинг ён томонга чап ёки унг ғилдиракларига нисбатан ағдарилиши ёндан таъсир этувчи куч P_y , бурилиш давридаги марказдан кочирма P_u ва ғилдиракли машина β кўндалангига нишаб йўлдан ҳаракатланганда оғирлиги G_a нинг ташқил этувчиси P_i таъсирида ҳам бўлиши мумкин.

Ғилдиракли машина β қияликка эга текисликдан ҳаракатланаётган бўлсин. Схемадан ғилдиракли машинанинг унг ғилдиракка нисбатан ағдарилиш

эхтимоли кўпроқ экани кўриниб туриди. Шунинг учун таъсир этувчи кучларнинг мувозанат тенгламаси қўйдагича ёзилади:

$$\sum M_A = 0;$$

$$z_n \cdot B / 2 - z_n \cdot B \cdot P_I h_\partial = 0,$$

$$\operatorname{tg} \beta_3 \leq \varphi_y;$$

бу ерда: z_n , z_n – йўлнинг чап ва унг ғилдиракларга нормал реакциялари;

B – ғилдиракларнинг симметрия ўқлари ўртасидаги масофа (колея). Ғилдиракли машинанинг унг ғилдиракларига нисбатан ағдарилиши учун $z_n = 0$ бўлиши керак. Математик ўзгартиришлар киритиб, қўйдаги ифодани оламиз:

$$\operatorname{tg} \beta = B / 2 h_\partial \quad (4)$$

(4) формула ғилдиракли машинанинг ён томонга ағдарилиши бўйича тургулик шарти дейилади. Кўриниб турибдики, ғилдиракли машинанинг ағдарилиши унинг оғирлик марқази (о.м.) баландлиги h_d ва колея В нинг кенглдигига боғлиқ.

$B / 2 h_\partial = A$ деб қабул қиласиз. Агар $\operatorname{tg} \beta = A$ бўлса, ғилдиракли машина ёнг ағдарилиши бўйича нотургун мувозанатда, $\operatorname{tg} \beta > A$ бўлса, ғилдиракли машина ёнга ағдарилади; $\operatorname{tg} \beta < A$ бўлса, ғилдиракли машина ёнга ағдарилмайди.

Ғилдиракли машина ҳаракат вақтида ёнаки кучлар таъсирида ён томонга сурилиши мумкин. Амалда ғилдиракли машинанинг олдинги ёки кетинги уки кўпроқ сурилади. Шунинг учун ғилдиракли машина бирор укининг сурилишига нисбатан турғунлиги кўрамиз.

Ғилидракнинг ён томонга сурилмасдан ғилдираш шарти:

$$P_\varphi = z^* \varphi \geq \sqrt{x^2 + y^2}; \quad (5)$$

$$y \leq \sqrt{z^2 * \varphi^2 - x^2}; \quad (6)$$

бу ерда: z - нормал реакция;

x - уринма реакция;

y - ёндан таъсир этувчи куч.

(6) - формуладан кўриниб турибдики, ғилдирак билан йўл ўртасидаги тишлашиш кучи P_ϕ қанча катта бўлиб, уринма реакция x шунча кичик бўлса, ғилдиракни ёнаки сурилишига мажбур қилувчи куч у шунча қатта бўлади. Шунинг учун етакчи бўлмаган ук тургунрок, чунки x факат ғилдирашга қаршиликдан иборат. Агар укда тортувчи ёки тормозловчи куч мавжуд бўлса, x катталашади, (6) формулада илдиз остидаги ифода кичраяди ва ук жуда кичик куч таъсирида ҳам ён томонга сурилади.

Ғилдирак ва йўл ўртасидаги тишлашишдан тула фойдаланилса, яъни $P_\phi = x$ бўлса, укни ёнга суриш учун минимал у кучи керак бўлади. Ғилдиракли машинанинг ён томонга сурилиши кия текисликда содир бўлиши мумкин. Кия текисликда ҳаракатланаётган гилдикли машинанинг ёнга сурilmасдан ҳаракатланиш критик бурчаги:

$$\operatorname{tg} \beta_3 \leq \varphi_y \quad (7)$$

бу ерда φ_y - ғилдирак билан йўл ўртасида қўндаланг йуналган тишлашиш коэффициенти.

Агар $\operatorname{tg} \beta_3 > \varphi_y$ бўлса, ғилдиракли машина ёнга сурилади, $\operatorname{tg} \beta_3 = \varphi_y$ бўлганда нотургун мувозанатда; $\operatorname{tg} \beta_3 < \varphi_y$ бўлганда эса ёнга сурilmасдан ҳаракатда бўлади.

Ғилдиракли машина катта тезликда эгри чизиқли ҳаракатланса, марказдан қочирма куч таъсирида ёнга сурилиб кетиши мумкин. Қайдаги тенгламадан ғилдиракли машинанинг ёнга сурilmаслик шарти бўйича критик тезлигини аниqlаш мумкин:

$$V_{a3} = 3,6 \sqrt{g \cdot R \cdot \varphi_y} \quad (8)$$

бу ерда: R - бурилиш радиуси:

$$g = 9.81 \text{ m/c.}$$

Ғилдиракли машинанинг ёнга сурилиш бўйича критик тезлиги V_{a3} бурилиш радиуси R ва кўндаланг йуналишдаги тишлашиш коэффициенти φ_y га туғри пропорционалдир.

3.2. Тайёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарни юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш.

3.2.1. Ер юмшатиш машиналари

Ер юмшатиш машиналари билан III, IV, V группа грунтлар юмшатилади. Натижада бу юмшаган ерни скрепер, бульдозер ва бошқа машиналар билан қазиш осонлашади; бу машиналар грунтни дарахт илдизларидан, тунка колдиклари ва бошқалардан тозалашда ҳам ишлатилади. Ер юмшатиш машиналари билан йўлларни тузатиш ва реконструкция қилиш вақтида унинг устидаги эски копламани кучириш мумкин.

Оғир грунтларни қазиша юмшатгичлар (юмшатиш машиналари) дан фойдаланиш улар билан бир комплексда ишловчи машиналарнинг иш унумини 3-5 марта оширади.

Юмшатиш машинаси (юмшатгич) кучли гусенициали трактор ва пневмофидиракли торткичга ўрнатилган осма ускунадан иборатdir.

Осма юмшатгичнинг асосий қисмлари қуйдагилардан: рама, учли тишлар ва бошқариш гидроцилиндридан иборат.

Осма юмшатгичлар уч нўқтали ва тўрт нўқтали(параллелограмм)осмали (подвескали) қилиб тайёрланади.

Юмшатгичнинг илашиш оғирлиги G_{ul} база машинанинг оғирлиги ва осма жихознинг оғирлиги $G_{o.jc}$ ларнинг йигиндисига teng:

$$G_{ul} = G_{\delta.m} + G_{o.jc} \approx (1,18 \dots 1,23) \cdot G_{\delta.m}.$$

Агар база машинага юмшатгичдан ташкари бульдозер ағдаргичи ҳам осилган бўлса, у холда:

$$G_{ul} = G_{\delta.m} + G_{o.jc} + G_{\delta.jc} \approx (1,35 \dots 1,4) G_{\delta.m},$$

Бу ерда $G_{\delta.jc}$ – бульдозер жихозининг эксплуатацион оғирлиги.

Юмшатгичнинг иш унумдорлиги P_s ($m^3/\text{соат}$) унинг қамраш кенглиги $B(m)$, уртacha юмшатиш чўқурлиги (h), бир томонга ўртacha иш йўли масофаси (l) ва ўртacha иш тезлиги ($V_{ux} = 1,7 \dots 2,2 \text{ км/соат}$) ва бажариладиган ишнинг хажми (V) га боғлиқ:

$$\Pi_9 = 3600 \cdot V \cdot k_e \cdot k_{m\gamma} / T_u,$$

Бу ерда V – цикл давомида юмшатилган грунтнинг хажми, m^3 ; k_e – машинадан вақт бўйича фойдаланиш коэффициенти; $k_{m\gamma}$ – машинанинг итаргич билан ишлашини ҳисобга оладиган коэффициент; T_u – циклнинг давомийлиги, с.

Юмшатгич моки схемада ишлагандан цикл давомийлиги

$$T_u = (l/v_{ux}) + (l/v_{cx}) + t_m + t_n,$$

Бу ерда v_{ux} ва v_{cx} юмшатгичнинг иш ва салт ҳаракати тезликлари, м/с;

t_m – узатмаларни алмашлаб улаш вақти ($t \approx 5c$);

t_n – юмшатгични тушириш вақти ($t_n = 2,3c$).

Юмшатгич буйлама – бурилиш схемасида ишлагандан тракторнинг участкалар охирида бурилиши учун сарфланадиган вақт t_b кўшилиб, салт юришига кетадиган вақт чегириб ташланади.

Бульдозерлар. Бульдозер, пичоқли ағдаргич, брус ёки рама кўринишидаги сурувчи қурилма ва ағдаргични гидравлик бошқариш системаларини уз ичига олган, гусеницали ёки пневмоғилдиракли база тракторларнинг осма ускўналаридан иборат.

Иш органи – отвалнинг ўрнатилишига кўра бульдозерлар икки хил бўлади: *отвали бурилмайдиган* (оддий) яъни отвали тракторнинг буйлама ўқига доимо перпендикуляр вазиятда ўрнатилган бульдозерлар ва *отвали буриладиган* (универсал) бульдозерлар, бунинг отвали горизонтал текислиқда иккала томонга ҳам $50 - 65^0$ гача ҳамда тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан 90^0 , баъзан эса вертикал текислиқда ҳам иккала томонга $3 - 8^0$ буриладиган вазиятда ўрнатиш мумкин.

Бульдозерларнинг иш цикли қўйдагича: машина олдинга ҳаракатланаётганда ағдаргич бошқариш системаси ёрдамида грунтга ботиб киради, пичоги билан грунт қатламини қирқиб, суреб ўз олдида грунт призмаси ҳосил қиласи ва уни ер сирти бўйлаб судраб бўшатадиган ёки сақланадиган жойга олиб боради. Грунтни тўккандан сўнг ағдаргич транспорт ҳолатига

кўтарилиб, машина яна грунт олиш жойиға қайтиб келади ва цикл тақорланади. Бульдозерларнинг асосий параметрларига ағдаргичнинг баландлиги H ва зунлиги L , асосий киркиш бурчаги δ , ағдаргичнинг кетинги бурчаги α , ағдаргичнинг кўндалангига қиялатиш ва планда бурилиш бурчаклари (ағдаргичи буриладиган машиналарда), ағдаргичнинг бульдозер таянч юза сатхидан кўтарилиш баландлиги h_1 ағдаргичнинг бульдозер уша юза сатхидан тушиш чўқурлиги h_2 киради. Ағдаргичнинг пастки қиррасига ишқаланишга бардошли қотишмадан иборат, алмашадиган икки тиғли қирқувчи пичоклар (ён томонига иккита ва ўртасига биттадан) ўрнатилган. Юқори қисмининг ўртасига эса тўпланган тупрок тўқилмаслиги учун козирёк ўрнатилган бўлади.

Бульдозернинг бурилмайдиган ағдаргичи иккита сурувчи брус кўринишидаги сурувчи қурилмага шарнирли махкамланган, брусларнинг кетинги учлари база машина юритиш қурилмасининг тўсинларига шарнирли бириктирилган. Бульдозернинг буриладиган ағдаргичи универсал сурувчи рама 5(1-расм) га махкамланган, бу рамага ағдаргичдан ташқари турли гидравлик бошқариладиган, алмашиб ишлайдиган ускўналар - бута кескич, дарахт йикитгич, тунка ковлагич, кор тозалагич ва бошқалар ўрнатилиши мумкин. Буриувчи ағдаргич сурувчи рама билан ағдаргичнинг база машинага нисбатан бурилишига имкон берадиган марказий шарли шарнир 7 ва икки ён тиргаклар 6 орқали боғланган бўлади.

Гусенициали бульдозерлар технологик имкониятларни анчагина оширадиган кўшимча тез алмашадиган иш ускуналари билан жиҳозланади.

Бульдозер ишлаган пайтда қўйдагикучлар ҳосил бўлади грунтни қирқишига бўлган қаршилик кучи P_p , иш жиҳозини грунтга киритишга қаршилик кучи P_n , грунт судралувчи призмасининг грунт бўйича ишқаланиш кучи P_{np} , ағдаргич киркиш қиррасининг ишқаланиш кучи P_{mp1} ҳамда грунт ағдаргич бўйича ҳаракатланганда ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи P_{mp2} . Бульдозернинг ҳаракат уки буйлаб йуналган мана шу кучларнинг йифиндиси бульдозернинг илашиш бўйича тортиш кучи T_u дан кичик бўлиши керак.

Бульдозернинг грунтни киркиш ва суришдаги иш унумдорлиги ($\text{м}^3/\text{соат}$):

$$P^p = 3600 \cdot V_{ep} \cdot k_y \cdot k_h \cdot k_e / T_u,$$

бу ерда, V_{ep} - ағдаргич олдидағи судралувчи грунт призмасининг геометрик хажми, м^3 ;

$$V_{ep} = L \cdot H^2 \cdot k_h / (2 \cdot \operatorname{tg} \varphi \cdot k_{io}),$$

бу ерда, L, H - ағдаргичнинг узунлиги ва баландлиги, м;

φ - ҳаракатдаги грунтнинг табиий қиялик бурчаги $\varphi = 20 \dots 50^\circ$;

k_h - судралувчи призма геометрик хажмининг грунт тулиш коэффициенти ($k_h = 0,85 \dots 1,05$);

k_{io} - грунтнинг юмшатиш коэффициенти ($k_{io} = 1,1 \dots 1,3$);

k_y - иш унумдорлигига участка қиялигининг таъсирини ҳисобга оловчи коэффициент (күтарилишда ишлаганда $k_y = 0,67 \dots 0,4$ га камаяди, нишабликда ишлаганда $k_y = 1,35 \dots 2,25$ гача ортади);

k_e - бульдозердан вақт бўйича фойдаланиш коэффициенти ($k_e = 0,8 \dots 0,9$);

T_u - цикл давомийлиги, с;

$$T_u = l_k / v_k + l_c / v_c + l_o / v_o + t_n,$$

бу ерда, l_k, l_c ва $l_o = l_p + l_n$ - киркиш, суриш ва бульдозернинг кайтиб келиш масофалари, м;

$$l_p = V_{ep} / S,$$

бу ерда $S = L \cdot C$ - кирқиладиган грунт қатламининг юзи, м^2 ;

C - кирқиладиган грунт қатламининг уртacha калинлиги, м;

v_k, v_c, v_o - тракторнинг грунтни киркиш, суриш ва кайтиб келишдаги ҳаракат тезликлари, м /с; t_n - цикл давомида узатмаларни алмаштириш учун сарфланган вақт ($t_n = 15 \dots 20$).

Грунтни киркиш соатига $2,5 \dots 4,5$ км, уни суриш эса $4,5 \dots 6$ км ҳаракат тезлигига бажарилади.

Ағдаргичи буриладиган бульдозернинг текислаш ишларидағи иш унуми, м³/соат:

$$P^n = 3600 l(L \sin \theta - 0.5) k_e / [n(l/v + t_n)],$$

бу ерда, l - текисланадиган участканинг узунлиги, м; θ - ағдаргични планда жойлаштириш бурчаги, град; 0,5 - бульдозер ўтишлар йўлининг узаро бекитилиб кетиши; n - бульдозернинг бир жойдан ўтишлар сони; v - бульдозернинг ҳаракат тезлиги, м /с.

Скреперлар. Скреперлар билан турли грунтларни, қоратупроқ қумдан то оғир лойгача ишлаш мумкин. Жуда зич грунтлар, одатда, маҳсус машиналар - юмшатгичлар воситасида олдиндан юмшатилади.

Скреперлардан фойдаланишда грунтни ташиш узоқлиги асосий кўрсатгич ҳисобланади.

Базавий гусенициали тракторлар билан агрегатлагтган тиркама скреперлардан, одатда, грунтни 100 дан 800 ва энг узоги 1500 м гача масофага ташишда фойдаланилади. Скрепер сигими қанчалик катта, унинг базавий трактори қанчалик тез юрар бўлса, агрегатдан тупроқни шунчалик узоққа ташишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бирок грунтни 1км ва ундан узок масофага ташишда грунтни бир ковшли экскаватор ортадиган автомобиль - самосваллар скреперларга нисбатан афзалдир. Агар грунт ташиш масофаси 100м дан якир бўлса, базавий тракторларга ўрнатилган анча оддий ва арzon бўльдозерлардан фойдаланган маъкўл.

Базавий тез юрар ғилдиракли тягачлар (шартли равишда узиорар скреперлар деб аталувчи агрегатлар) билан агрегатланадиган ярим тиркама скреперлар грунтни қулайшароитларда 300 дан 3000 м ва ундан узок масофаларга ташишда кўлланилади. Грунтни 300 м масофага ташишда гусенициали трактор, билан ишлайдиган анча арzon тиркама скрепердан фойдаланган маъкўл, чунки бундай шароитларда кўпинча узиорар скрепердан (тез юрарлигидан) фойдаланишга имкон бўлмайди. Грунтни 3000м ва ундан узок масофага ташишда ҳамда йўлсиз жойлардан юрганда узиорар скреперлар

грунтни экскаватор ортадиган автосамосвалларга нисбатан афзалрок бўлади. Курилишда тайёр йўлдан фойдаланиш ва 3000 м дан узок масофага грунт ташилганда экскаватор қазиган ва автосамосвалда ташилган гурунт қиймати, одатда, узиорар скреперда ташилган грунт қийматидан арzon бўлади.

Скрепернинг ҳолати ва бажарадиган технологик жараёнига қараб, унинг иш жиҳозига қўйдаги қаршилик кучлари таъсир этади:

1) киркишга қаршилик кучи P_k ; 2) пичокнинг грунт буйлаб ишкаланиш кучи $P_{ишк.1}$; 3) судраладиган грунт призмасининг қўзғалишига қаршилик кучи $P_{пр}$; 4) чўмични тулдиришга қаршилик кучи $P_{тул}$. Кейинги куч уз навбатида қўйдагилардан ташкил топади: грунтнинг чўмич қўтарилишига қаршилик кучи $P_{кўт}$ ва чўмичда турган ҳамда юқорига қўтарилаётган грунт устуни ўртасидаги ишкаланишга қаршилик кучи $P_{ишк}$.

Скрепернинг ҳаракатланишига қаршилик куч, Н:

$$P_{cум} = P_k + P_{ишк.1} + P_{пр} + P_{тул}.$$

Скрепернинг чўмичлари унинг тагидаги туйнуклар ёрдамида ёки чўмичнинг таг ҳамда орқа қисмини ён қўзғолмас деворларига нисбатан буриш ёрдамида бўшатилади. Скреперлар гусенициали ёки икки ўқли пневмофидиракли шатакчиларга тиркалиб, узи юрар вариантда ишлаши мумкин.

Скрепернинг зич грунтлардаги иш унуми ($\text{м}^3/\text{соат}$):

$$\Pi_3 = n \cdot q \cdot k_h \cdot k_e / k_{io},$$

Бу ерда n – соатига бажариладиган цикллар сони ($n=3600T_u$); q – скрепер чўмичнинг сигими, м^3 ; k_h – чўмични грунт билан тулдириш коэффициенти ($k_h = 0,6 \dots 1,1$); k_{io} – скрепер чўмичидаги грунтнинг юмшоклик коэффициенти ($k_{io} = 1,1 \dots 1,3$); k_e – машинадан вақт бўйича фойдаланиш коэффициенти ($k_e = 0,8 \dots 0,9$).

Машинасозлик саноати грунтни юқорида баён этилган барча усулларда тукадиган скреперларни сериялаб ишлаб чиқармокда. Грунтни олдинга эркин тукадиган скреперлар кўп сериялаб ишлаб чиқарилади; хозирги кўнгача

улардан қишлоқ хўжалик қурилишида ва йўл ҳамда шахар қурилишидаги майда объектларда фойдаланилади. Грунтни ярим мажбурий тубдан тукадиган скреперлар беш йилдан буён ишлаб чиқарилмоқда, хозир улар қурилишнинг турли соҳаларида гусеницали тракторлар билан агрегатлаб ишлатиладиган асосий тиркама ер қазиш-транспорт машинаси ҳисобланади.

Гидравликанинг қурилиш ва йўл машинасозлигида кенг жорий этилиши муносабати билан грунтни мажбурий тўқадиган скреперларнинг янги типлари ривожлана бошлади. Заводлар гусеницали тракторлар билан ишлайдиган тикама скреперлар ва базавий бир ўқли тягачлар билан ишлайдиган узиюрар скреперларни сериялаб ишлаб чиқармокда. Базавий бир ўқли тягачлар билан ишлайдиган скреперлар янада кўпаяди.

Иш органининг бошқарилишига қараб скреперлар канатли ва гидравлик бошқариладиган турларга бўлинади. Канатли бошқариладиган скреперлар-хозирги пайтда анча эскириб колган бўлсада, кўплаб ишлаб чиқарилмоқда ва ишлатилмоқда. Гидравлик бошқариш анча рационал ва прогрессив ҳисбланиб, скреперсозликда тез жорий қилинмоқда.

3.3. Автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби ва асосий ўлчов ҳолатларини аниқлаш.

Ўзимизни ва чет эл автогрейдерларини лойиҳалари таҳлилидан кейин лойиҳаланаётган машинанинг умумий тасвири ва асосий ечимларини асослаш зарур. Шундан келиб чиккан холда автогрейдерларни ишлаб чиқаришда асосий йуналишлари ва ер ишлари механизациясида техник ривожланишнинг бош йуналишлари ва ер ишлари механизациясида техник ривожланишнинг бош йуналишлари ҳисобга олиниши кўзда тутилади. Лойиҳаланаётган автогрейдер қурилмасини асослаш қиска маълумотларда олиб борилади. Замонавий автогрейдернинг асосий лойиҳавий жихатларини ёритиш ва ишлаб чиқиш қўйдагича бўлиши керак:

- ғилдирак тасвирининг тури; (етакловчи уклар сони, рул бошқарувининг кўриниши),

- трансмиссия тури, погонали, погонасиз, механиқ, гидромеханиқ, электромеханиқ, узатишлиар сони ва бошқалар,
- автогрейдерларни умумий лойихавий расмийлаштириш,
- ишчи қисми тури (чидамлилик механизми, отвалнинг бурилиш механизми),
- бошқариш механизми тури, унинг таркиби, лойихавий кинематик тасвир,
- ёрдамчи кўрилманинг мавжудлиги, отвални тулиши,
- бошқа кўрилмалар ва лойиханинг мухим жихатлари.

3.3.1. Автогрейдер массаси.

Автогрейдер массаси ва унинг тиркашчи массаси орасида боғлиқлик мавжуд:

$$G_u = \Psi_0 \cdot mg,$$

бу ерда Ψ_0 - ғилдирак тасвирини аниқлаш коэффициенти.

Ғилдирак формулалари автогрейдерлар учун : $1\times2\times3$ ва $1\times1\times2$ ҳамма ғилдираклари етакловчи бўлган автогрейдерлар учун - $\Psi_0=0,7, 0,75$;

m - автогрейдер массаси.

Автогрейдернинг тиркамали массаси етакловчи ғилдиракларда эркин тортишли кучини аниқлашга имкон беради:

$$P_k = G_{cu} \cdot \varphi,$$

бу ерда φ - етакловчи ғилдираклари етакловчи грунт билан ишлаш коэффициенти;

Статистик маълумотлар бўйича автогрейдернинг асосий ўлчов ҳолатлари кўп таркалган ғилдирак формулалари ($1\times2\times3$) учун қўйдаги муносабатлар билан боғланган:

$$G = C_l(200 + 122N),$$

бу ерда N - автогрейдер двигвтелининг қуввати, кВт;

C_1 - вариация коэффициенти 0,73 дан 1,27 гача.

Олдинги уқдаги юкланиш $G_1 = 38 NC_2$, бу ерда C_2 - вариация коэффициенти 0,75 ...1,25 га тенг; кейинги уқдаги юкланиш $G_2 - C_3(500 79)$, бу ерда C_3 - вариация коэффициенти, 0,77 ..1,23 га тенг; отвалнинг сиқувчи кучи $P_2 = 68C_4$, бу ерда C_4 - вариация коэффициенти 0,70 ... 1,30 га тенг.

Асос ўлчами L_0 , ғилдирак уз кенглиги B_0 ва унга алокадор бўлган автогрейдернинг бурилиш радиуси шундай маънода танланадики, бунда машина энг кам ўлчамларга эга бўлиши, лекин ҳаракат $B_0 > L_0 + 0.5d$ мустахкамлигини эътиборга олиш зарур, бу ерда L_0 - кесиш тезлиги, d - ғилдирак шинаси кенглиги.


Отвални ўрта холатдаги, икки ўқли автогрейдернинг асосининг минимал ўлчами L_0 дарзни ҳисобга олган холда

$$L'_{min} = D + \sqrt{L^2 - B_0^2} + 2\Delta ,$$

уч ўқли автогрейдер учун

$$L'_0 = L_0 + 0,5D + 2\Delta ,$$

бу ерда Δ - отвал ва шина орасидаги минимал ёрик, $\Delta = 50$ мм; D - шина диаметри, (-расм).



32-расм.Автогрейдер бошқариш механизми ҳисоби.

Автогрейдернинг энг кўп юкланган бошқариш механизми бу отвални кўтариш ва тушириш механизми ҳисобланади, шунинг учун бошқариш системасидан узатилган қувват асосан отвални кўтариш жараёнида аниқланади.


Одатда кўтариш механизмининг қуввати автогрейдер двигатели асосий қувватининг тахминан 10 - 25% ни ташқил этади.

Замонавий автогрейдерларда отвалнинг вертикал суриш тезлиги тахминан 15 ... 18 см ни ташқил этадиган иш жараёнлари тезлиги лойихавий қийматларидан танланади.

Замонавий автогрейдерларда отвални кўтариш механизми қўйдаги варианtlарда бажарилади: кривошип оркали вертикал тягаларга ҳаракатни узатиш, тишли рейка оркали ва гидравлик цилиндр шток оркали.

Автогрейдерни кўтариш механизми ҳисоби вазифаларига қўйдагилар киради:

- кўтариш жараёнини бажариш учун талаб этилган қувват бўйича, кўтариш кучини аниқлаш.
- тенгланган тезликни таъминлаш учун кинематик ҳисоб.
- кўтариш механизми деталларини мустахкамликка ҳисоблаш.



33-расм. Автогрейдер отвалини кўтариш механизлари кучини аниқлаш учун схема.

Кўтариш кучи қатталигини аниқлаш учун қўйдаги ҳисобий ҳолат қабул қилинади:

Отвалнинг бир томонлама чўқурлашуви, чўқурлашган отвал кўтарилади;

отвалга таъсир этувчи грунтни максималь ташқил этувчиси - P_I 11.1- расмда келтирилган.


Бунда рухсат этилган имкониятлар; грунтни вертикаль ташқил этувчиси отвалнинг кўтарилишига тускинлик қиласи; пичокли отвал массаси; доиравий бурилиш ва системанинг оғирлик марқазида тупланган барча тортишиш рамалар массаси; юкланиш кўтаришнинг битта механизми билан қабул қилинади.

S_n – куч қатталиги инерцион кучларини ҳисобга олмаган холда аниқланади:

$$S_n = \frac{G_p \cdot l'_4 + P_2 \cdot l'_2 - P_1 \cdot l'_1}{l'_3}.$$

P_1 ва P_2 кучлрнинг муносабати қўп омилларга боғлиқ. Умумий ҳисобий ҳолат учун $P_2 = 0,5 P_1$ деб қабул қилсак бўлади. Кўтариш механизми деталларининг мустазхкамлиги - пичокнинг грунтни қаттиқ жойигача чукўрлаш ҳисобланади.

Устун нўқталарига нисбатан автогрейдернинг шундай тенглик ҳолатини аниқлаш керакки, бунда пичок охиридаги D нўқтадаги шартли таъсир этувчи максимал қийматига эга бўлади.



34-расм. Отвални күтариш механизмидаги максималь юкланишни аниқлаш учун схема.

Автогрейдернинг тенглиги шартларидан режада грунтни пичокка таъсири 2 та ҳолатда бўлиши мумкин.

1. Пичокка таъсир этувчи биринчи ҳолатдаги куч:

$$P_2 = G \frac{l_5}{(l_2 + l_5 - l_1)} .$$

2. Иккнчи ҳолатда: ўша кучнинг пичноқса таъсири:

$$P_2 = G \frac{\sigma}{\sigma_1} ,$$

бу ерда σ – ағдариш ўқидаги оғирлик марқази масофаси;

σ_1 – чизикдаги пичокнинг қаттик нўқтага масофаси.

Телескопик шатақдаги шарнирда вертикал таъсир этувчи қатталик қўйдаги формула билан аниқланади:

$$S_n = \frac{P_2 \cdot l_6}{l_1} ,$$

бу ерда l_6 – елка доиравий бурилишига нисбатан отвалнинг чети аралашиб кетиши олинади, P_2 қатталиги – максимал равишда. Мустахкамликка текшириш гидроцилиндр ёки телескопик шаток шатокларида олиб борилади, S_n куч бўйича, буйлама эгилишни ҳисобга олган холда уларни сиқилишга текшириллади.

$$G_{cm} = \frac{S_n}{F_{uu} \cdot K} ,$$

бу ерда F_{uu} – шаток ёки шатокнинг кесими юзаси;

K – стержен эгилувчанлигига боғлиқ бўлган асосий кучланишнинг камайиш коэффициенти.

Шу билан бирга мустахкамлик кўтарма, кронштейн ва бошқа деталларда текшириллади.

3.3.3. Кўтариш ва тушириш гидроцилиндри диаметри ҳисоби.

Автогрейдер ишчи қисмининг бошқариш гидросистемаси кирувчи ҳаракат кўринишидаги бажарувчи механизмга эга. Бу механизм ўлчов ҳолатларининг чиқиши бўйича насоснинг талаб қилинган қуввати билан унинг мос киравчи ўлчов ҳолатлари-босим P ва унумдорлиги Q аниқланади.

Шу тарика гидроюритма қуввати киравчи ва чиқувчи ўлчов ҳолатлари орқали қўйдаги боғланишни ифода этади:

$$N_e = C_1 \cdot P \cdot Q = C_2 \cdot S_{uu} \cdot V_n,$$

Бу ерда C_1 ва C_2 – келтирилган ўлчов коэффициентлари.

$S_{uu} = 0,5$; S_n – отвал кўринишидаги икки гидроцилиндр штокидаги куч.

Хисобдан олдин бажарувчи механизмнинг ҳисобий чиқиш ўлчов ҳолатлари аниқланади:

Куч $S_{np} = K_{3y} S_{uu}$;

Тезлик $V_{np} = K_{3c} V_n$;

Қувват $N_{np} = C_1 S_{np} V_{np} = C_1 K_{3y} K_{3c} S_{uu} V_n$.

бу ерда K_{3c} – тезлик бўйича захира коэффициенти $1,2 \dots 1,4$ га teng;

K_{3y} – куч бўйича захира коэффициенти $1,15 \dots 1,35$ тавсия қилинади.

Системадаги берилган номинал босим Рн бўйича цилиндрнинг тахминий фойдали юзаси аниқланади:

$$F_u = \frac{S_{np}}{P_h},$$

улар орасидаги фарқдан фойдаланиб, цилиндр Дц ва шаток диаметрининг меёрий қийматларини танлашга имкон беради.

Баъзи қувватли цилиндрлар ўлчов ҳолатининг муносабати. (3-жадвал)

3-жадвал

Ўлчов ҳолат	Шатоқдаги куч, kН				
	10 гача	12...30	30...60	60...100	100
Гидроцилиндрдаги босим, Мпа	5 гача	6...7	8...10	12...15	16...20

Шаток диаметри, d	(0,2...0,3)Дк	(0,3...0,4)Дк	0,5 Дк	(0,6...0,7)Дк	0,7 Дк
-------------------	---------------	---------------	--------	---------------	--------

Отвалнинг кўтариш ва тушириш гидроцилиндр диаметри қўйдаги формула билан аниқланади:

$$S_{uu} = P \frac{\pi \cdot D_u^2}{4},$$

бу ерда P – гидросистемадаги босим, мПа;

D_u - цилиндр диаметри, м;

$$D_u = \sqrt{\frac{4S_{uu}}{\pi \cdot P}},$$

бу ерда S_{uu} – цилиндр штокидаги куч, $S_{uu} = 0,5 S_n K_3 u$.

Замонавий автогрейдердаги отвалнинг бурилиш механизми гидравлик юритма ёрдамида бажарилиб ва пичокнинг қамраш бурчаги ўзгариши учун ишлатилади. Бурилиш механизмини ҳисоблаш учун қўйдагиларни билишзарур:

- Бурилишнинг қаршилик моменти аниқланади, кейин бурилиш механизми юритмаси учун талаб қилинган қувват ҳисобланади,
- Бурилиш механизмини мустахкамлашга ҳисоблаш учун деталларга куч аниқланади.

Мс аниқлашда ҳисоблаш сифатида қўйдаги ҳолат олинади, автогрейдер отвали билан максималь кўндаланг қияликда бурилиш айланаси марказига нисбатан максималь ораликда. Камраш бурчагини узи юритиш учун отвал фақат пичокнинг грунтда чўқурлашиши мобайнида бурилади:

$$M_c = M_m + M_c + M_j,$$

бу ерда M_c – отвалнинг бурилиш даврида тўлик қаршилик моменти, Мт;

M_c , M_j – бурилишда таянчдаги ишқаланиш кучидан ҳосил бўлган қаршилик моменти: айланувчи қисмларнинг оғирлик кучи ва инерция кучидан ташкил топган.

Бу моментлар қатталиги қўйдаги ифода бўйича топилади:

$$M_m = Fr_0, \quad M_G = G_n R_0 \sin\beta, \quad M_j = I \omega t,$$

Бу ерда $F = G_n \mu_3$ – ишқаланиш кучи, Н;

G_n – бурилувчи қисмларнинг оғирлик кучи йигиндиси, Н;

μ_3 – пулатнинг пулатдаги ишқаланиши, $\mu_3 = 0,15$ га тенг;

r_0 – ишқаланиш кучи ишлатиш радиуси;

R_0 – бурилиш доираси марқази 0 нўқта атрофида айланувчи қисмларнинг оғирлик марқази жойлашиш радиуси;

β - автогрейдернинг кўндаланг киялик бурчаги, град;

ω - бурилишнинг айланма тезлиги, $0,4\dots0,6$ м/с, қабул қиласиз;ъ

t – илдамлаш вақти, тахминан $0,5$ с га тенг;

j – айланувчи қисмлар инерция моменти, кг м².

Отвалнинг бурилиш механизми ишда қаршиликни енгиш учун зарур бўлган двигателнинг айланниш моменти қатталигини қайдаги ифода ташқил этади:

$$M_{нов} = \frac{M_c}{U_{нов} \cdot \eta_{нов}},$$

бу ерда U ва η - двигателдан бурувчи айланма укигача бўлган узатувчи узатишлар сони ва Ф.И.К.

Бурувчи айлананинг тишли супурги (венси) бўйича бурувчи шестернянинг думалашда қувватини ҳисобга олган холда:

$$N_{нов} = \frac{K'_3 \cdot M_{нов} \cdot n_{дв}}{9550}.$$

бу ерда K'_3 – захира коэффициенти, $1,25$ га тенг деб қабул қилинган;

$n_{дв}$ – двигатель тирсакли вали айланышлар сони, с;

Отвалнинг бурилиш механизми деталларини мустахкамликка қайдаги ҳолат учун ҳисобланади, бунда отвал бир томонга максимал чиқарилган ва автогрейдернинг буйи укига перпендикуляр ўрнатилган, кўлланиш охирида грунтнинг мумкин бўлган максимал таъсири P_2 га тенг.

Отвалнинг бурилишт механизмни деталларидаги куч ҳисобий момент қатталигидан M_k аниқланади. Динамик коэффициенти K_d ни ҳисобга олган холда бу кўлланилаётган таъсирланиш:

$$M^p = K_d \cdot P_2 \cdot I_n,$$

бу ерда I_n – бурилувчи айлананинг айланиш укига нисбатан ишлатилаётган таъсирланиш P_2 ни елкаси, м;

K_d – динамик коэффициент, $1,1 \div 1,2$ га тенг.

Филдиракларнинг киялик механизми замрнавий автогрейдер тузилмаларида вертикаль укларга нисбатан киялик 30 градусгача бўлади. Автогрейдерларнинг барча етакловчи укларида филдиракнинг киялик механизми ўрнатилмайди. Тузилмага кўра олд филдирак киялик механизми гидравлик ёки тишли узатмалар оркали бажарилади. Бу ва бошқа ҳолатда киялик механизмидаги максимал куч киялик ҳолатдан вертикал ҳолатга утганда ҳосил бўлади. Тишли узатмадаги гидроцилиндр штоки ёки тишли сегметга қўйдаги аниқлаш усули билан, сикишда кўндаланг эгилишни ҳисобга олган ҳолда штокнинг ва мустахкамлигини ҳисоблаш ва гидроцилиндр диаметрини аниқлаш адабиёт бўйича топилади Рул бошқаруви механизми. Автогрейдерда у бошқариладиган филдиракларни буришни бажаради. Замонавий тузилмаларда гидравлик ёки пневматик кучайтиргичли механиқ рул бошқармаси кўлланилади. Грейдернинг рул (штурвалига) чамбарагига узатилаётган куч карданли узатма винтли ёки червякли механизми, кучайтиргич ва рул тяга системалари ёрдамида бошқарилувчи филдиракларга узатилади.

3.4. Экскаваторлар ва юклагичларни юриш қисмни шаклини танлаш ва асослаш.

Бир чўмичли қурилиш экскаваторлари қуйидаги белгиларига кўра таснифланади: юриш кўрилмаси турига кўра – гусеницали (нормал ва таянч юзаси қатталаштирилган) ва пневмофилдиракли; юритма турига кўра – бир моторли (гидравлик); таянч-бурилиш кўрилмасига кўра – тула буриладиган (иш жиҳозларининг планда бурилиш бурчаги чегараланмаган) ва тула бурилмайдиган (иш жиҳозларининг пландаги бурилиши $180^\circ \dots 270^\circ$ га чегараланган); иш жиҳозлари осмаларининг турига кўра – канат полистпастларга осилган эгилувчан осмали ва гидроцилиндрлар ёрдамида

бикир осилган; ижрочи иш жиҳозларининг бажарилишига кўра шарнир-ричагли ва телескопик.

Юриш қисмларига қўра юклагичлар ғилдиракли ва занжирли бўлиши мумкин. Занжирли юклагичлар юқори ўтагонликка эга ва катта босим кучи ҳосил қилаолади. Ғилдиракли юклагичлар юқори маневрчанлиги ва транспорт тезлиги билан фарқ қиласи, омбор майдонлари ва йўлларининг юзини бузмасдан ишлайди.

Юклагичнинг чўмичи гидроцилиндр оркали бошқариладиган маҳсус ричагли системага осилади. Чўмични кўтариш механизми қўзғалмас марказ атрофида кўтарувчи цилиндр ёрдамида буриладиган стреладан иборат. Стреланинг учида шарнирли маҳкамланган чўмич, у буриш гидроцилиндри ва ричаглар системаси ёрдамида стрела атрофида айланади.

Оддий чўмичлар ўрнига маҳсус чўмичлар ўрнатилса, тоғ жинслари ва шунга ўхшаш юкларни ҳам юклаши мумкин. Агар чўмич ўрнига алмаштириувчи жиҳозлар ўрнатилса, улар бир неча ёрдамчи: монтаж қилиш, тозалаш, қор йиғиш ва хоказо ишларни ҳам бажариши мумкин.

I. Юклагичлар юқ кўтарувчанлиги бўйича 4 классга бўлинади:

- 1) енгил – 0,5 … 2,0 т,
- 2) урта – 2,0 … 4,0 т,
- 3) оғир – 4,0 … 10,0 т,
- 4) ута оғир – 10,0 т дан ортик.

II. Юриш қисми бўйича – гусеницали, ғилдиракли бўлади.

III. База машинаси бўйича – маҳсус шассиларда ва тягачларда.

IV. Ишчи органини жойлашиши бўйича - олдинда ёки оркада жойлашган бўлади.

Ортиш органи тула бурилишли, комбинацияли ва фронтал бўлиши мумкин.

Юклагич юритмаси бўйича: гидравлик, электромеханик, канат-блокли ва занжирли бўлиши мумкин.

Бошқариш механизми – чўмични буриш гидроцилиндрининг ҳаракат йуналишига қўра 2 турга бўлинади:

- 1) Чўмични тулиши гидроцилиндр поршен бушлиги билан бажарилади;
- 2) Чўмични тулиши гидроцилиндр шток бушлиги билан бажарилади.

Стрела кўтарилиш жараёнидан чўмич сатхини бир хил саклаш 2 хил усулда бажарилади:

- 1) Механик;
- 2) Гидравлик.

Биринчи усул - кинематик йўл билан, яъни ричагли механизм ёрдамида бажарилади.

Иккинчи усул – қўйдаги система бўйича: гидроцилиндрни чўмичга таъсири бўйича механизмлар ричагли ва ричагсиз системаларга бўлинади.

Ричагли системаларда бир боскичли ва кўп боскичли ричагли механизмлар бўлади.

Юклагичларнинг ишлаши учун қўйдаги тенгсизлик бажарилиши керак:

$$P_{\delta k} \leq T_{ul} = G \cdot \varphi,$$

бу ерда $P_{\delta k}$ – чўмични ботб киришга қаршилиги;

G – юклагичнинг илашиш массаси, т;

T_{ul} – илашиш бўйича максимал тортиш кучи, кН;

φ - ғилдирак ёки гусеницаларнинг грунт билан илашиш коэффициенти.

Юклагичларнинг асосий параметрларини хисоблаш ва танлаш.

Юқ кўтарувчанлик – чўмич оғирлик марқазига таъсир қилувчи рухсат этилган юқ оғирлиги.

Номинал юқ кўтарувчанлик Q_n стреланинг *max* қулочига аниқланади:

$$Q_n = 0,5 \frac{(P - G_o) X_T - G_o \cdot b_o}{(a_r + x_T)} \quad (1)$$

бу ерда P – трактор юриш қисмига таъсир қилувчи кўшимча юкланиш;

G_o – юклаш органининг оғирлиги;

x_T - трактор оғирлик марқази координатаси;

a_r , b_o – чўмичдаги юқ ва юклагичнинг оғирлик марқази координаталари.

Максимал юқ кўтарувчанлик Q_{max} – юклагич гидроюритмаси ёрдамида максимал баландликка кўтарилиши мумкин бўлган чўмичнинг оғирлик марқазига кўйилган юқнинг энг қатта оғирлиги.

Юклаш органининг конструктив огирилиги база тактор огирилиги бўйича: $G_0 = k_0 \cdot G_T$, $k_0 = 0.25 - 0.35$ (2)

База машина оғирилигини рационал ишлатиш ва юриш қисмини такомиллаштириш солиштирма юк кўтарувчанлик коэффициенти бўйича аниқланади:

$$q_n = \frac{Q_n}{(G_T + G_0)} \geq [q] \quad (3)$$

бу ерда $[q]$ – гусеницали юклагичлар учун: $0,2 - 0,22$;
ғилдиракли юклагичлар учун – $0,25 - 0,3$.

Асосий чўмичнинг номинал хажми:

$$V_n = \frac{Q_n}{\rho_e \cdot g \cdot k_n} \quad (4)$$

бу ерда ρ_e – хажмий масса, $\rho_e \approx 1,6 \text{ т/м}^3$; $k_n = 1,25$.

Юклагич эксплуатацион огирилиги:

$$G_n = G_e + G_0 \quad \text{ёки} \quad G_n = (1,25 \div 1,35)(G_T + \Delta g); \quad (5)$$

бу ерда G_e – трактор эксплуатацион огирилиги;

Δg – балласт, сув, ёнилги, мойловчи, гидроюритма ишчи суюқлиги, инструмент, эҳтиёт қисмлар огирилиги.

Юклагичнинг тортиш кучи:

$$T_n = \frac{270 \cdot N_{e \max}}{\delta_p (1 - \delta_p)} \eta_T - G_n \cdot f \quad (6)$$

бу ерда $N_{e \max}$ – двигатель қуввати, кВт;

η_T – трансмиссия Ф.И.К. – $0,85 \div 0,88$;

δ_p – ишчи тезлик, км/соат;

δ_p – буксования коэффициенти ($0,07$ ёки $0,2$);

f – тебранишга қаршилик коэффициенти.

«Сцепкой» оғирлик бўйича кучланиш:

$$T_{cu} = G_n \cdot \varphi \quad (7)$$

бу ерда $\varphi = 0,9$ (гусеницали машина учун), $\varphi = 0,6 - 0,8$ (ғилдиракли машина учун).

Ишчи қисм гидроцилиндрларини ерга бўлган босим кучи қайдагича аниқланади:

$$N_{\delta} = (2,0 \div 3,0)Q_h \quad (8)$$

Ишчи қисмни (стрелани) кўтариш босим кучи гидроцилиндр ёрдамида қайдагича аниқланади:

$$N_{\kappa} = (1,8 \div 2,3)Q_h \quad (9)$$

бу ерда Q_h – номинал юк кўтарувчанлик.

Юклагичнинг донали юклар билан ишлагандаги техник иш унумдорлиги (т/соат):

$$P_m = 3,6 \cdot m \cdot k_{юк} / t_u, \quad (10)$$

бу ерда m – юкнинг массаси, кг; $k_{юк}$ – юклагичнинг юк кўтариш кобилиятидан фойдаланиш коэффициенти ($k_{юк} = 0,6 \dots 0,8$).

3-боб бўйича хulosалар.

Ушбу бобда йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисобилари орқали тадқиқотлаш ишлари олиб борилди ва қуйидаги натижаларга эришилди.

1. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва турғунлиги ва динамик характеристикаси орқали баҳолаш ишлари амалга оширилди ҳамда ҳисоблаш усуллари тавсия этилди.
2. Тайёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш усуллари ишлаб чиқилди.
3. Автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби ва асосий ўлчов ҳолатларини аниқлаш ишлари орқали автогрейдер массаси, автогрейдер бошқариш механизми ҳисоби ва кўтариш ва тушириш гидроцилиндри диаметри ҳисобини амалга ошириш ва уларни энг мақбул бўлган қўрсаткичларини аниқлаш тавсия этилади.
4. Экскаваторлар ва юклагичларни юриш қисмни шаклини танлаш ва асослаш амалга оширилди.

Умумий холосалар

Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини кинематик ва динамик ҳисобиларини бажаришни янги методларни қўллаш ушбу машиналарни ишлаш муддатларини узайтириш, уларда учраётган камчиликларни олдини олиш ёки камайтириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий масалалар ҳал этилди:

- йўл қурилиш машиналари ва уларни тузилишини тадқиқотлаш;
- ЙКМ бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичларини аниқлаш;
- ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментларини аниқлаш;
- ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват баланси аниқлаш;
- йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва турғунлиги ва динамик характеристикаси;
- таёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш;
- автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби ва асосий ўлчов ҳолатларини аниқлаш;
- экскаваторларни юриш қисмни шаклини танлаш ҳамда асослаш.

Юқоридаги масаларни ечими натижасида қуйидагиларни таклиф қилинади.

1. Йўл қурилиш машиналарига бўлган талаблар, уларни асосий иқтисодий техник кўрсаткичлари аниқланди.
2. Ғилдиракли ва занжир тасмали тягачларига таъсир этувчи кучлар ва моментларни ҳисоблаш методларини энг мақбул усули танлаб олинди ишлаб чиқилди.
3. Ғилдиракли ва занжирли шатакловчи тортиш динамикаси, ҳаракатланиш тенгламаси, таъсир этувчи кучлар ва қувват балансини ҳисоблаш орқали юриш қисмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш усули таклиф этилади.

4. Экскаваторнинг статик ҳисобини бажариш орқали оптимал режимларни танлаб олиш тавсия этилади.
5. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмида учрайдиган бузилишлар тахлил қилинди.
6. Йўл қурилиш машиналарининг юриш қисмларини бошқарувчанлиги ва турғунлиги ва динамик характеристикаси орқали баҳолаш ишлари амалга оширилди ҳамда ҳисоблаш усуллари тавсия этилди.
7. Тайёргарчилик ишлари учун мўлжалланган машиналарини юриш қисмларини асосий параметрларини танлаш усуллари ишлаб чиқилди.
8. Автогрейдерни юриш қисмларини ҳисоби ва асосий ўлчов ҳолатларини аниқлаш ишлари орқали автогрейдер массаси, автогрейдер бошқариш механизми ҳисоби ва кўтариш ва тушириш гидроцилиндри диаметри ҳисобини амалга ошириш ва уларни энг мақбул бўлган қўрсаткичларини аниқлаш тавсия этилади.
9. Экскаваторлар ва юклагичларни юриш қисмни шаклини танлаш ва асослаш амалга оширилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акбаров А. “Курилиш машиналари”, Тошкент 1993й., узбек тилида.
2. Плешков А. “Бульдозер, скрепер, автогрейдерлар”, Тошкент, узбек тилида.
3. Алексеева Т. В. и др. “Машины для земляных работ”, 1972й. рус тили.
4. Гаркави Н. Г. “Машины для земляных работ”, 1989й. рус тили.
5. Домбровский Н. Г. и др. “Строительные машины” 1985й. рус тилида.
6. Сергеев В. П. “Автотракторный транспорт” 1984й. рус тилида.
7. Икрамов У. А. “Автомобиллар ремонти” 1976й. узбек тилида.
8. Баловнев В. И. “Дорожно-строительные машины и комплексы” М.1988, 384с.
9. Набиев Р. В. “Йул курилиш машиналаридан фойдаланиш”, 1988й. узбек тили.
10. Круг Г. К. “Теоретические основы планирование экспериментальных исследований”, МЭИ 1973.
11. Беккер М. Г. “Введение в теорию систем местность-машина”, М.1973.
12. Кодиров С. М., Кодирхонов М. А. “Автомобиллар ва двигателлар назарияси”
13. Добронравов С.С., Дронов В.Г. «Строительные машины и основы автоматизации». М. «Высшая школа». 2001, 575 с.
14. Волков Д.П., Крикун В.Я. «Строительные машины». Москва. АСВ, 2002, 376 с.
15. Аскарходжаев Т.И. «Ер =азиш ва йыл =урилиш машиналарини щисоби ва назарияси». Тошкент. «Фан ва тара==иёт». 2006, 272 б.
16. Тожиев А. «Курилиш машиналари». Тошкент. 2000 й. 380 б. ызбек тиида.
17. Журнал «Строительные дорожные машины». Москва. 2000-2005 гг., рус. тилида.
18. Журнал «Архитектура и строительство Узбекистана». Ташкент, 2000-2005 гг., рус., узб.тилида.
19. Бозоров Н., Хушназаров Б. «Курилиш машиналари» укув кулланма ТАКИ, 2001 й., 109 б., узбек тилида.
20. Гулямов С.С., Перегудов Л.В. «Основы системного подхода в науке и технике». Тошкент. 2002. 120 с.

21. Новые технологии «Оборудование и технологические машины». Санкт-Петербург. 2003 г.
22. Аскархужаев Т.И., Шукров Р.У. «Йыл техникаси ва =урилиш машиналари механизмлари байича» (русча-узбекча) лу\ат. Тошкент. 2004 й.
23. Сайты в Интернете:
 - www.Clark.com
 - www.Bobcat.com
 - www.Rambler.ru
 - www.Mail.ru
 - www.Caterpillar
 - www.Fiat-Kobelco
 - www.Liebherr